

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 23 ДЕКАБРЬ КУНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО СОҲАСИДАГИ ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ҲАМДА 2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ БЎЙИЧА ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



# ҲУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 24-ДЕКАБР, №51 (1248)

## КИТОБЛАР УЛКАН ФИКР КЕМАЛАРИДИР



МУТОЛАА ҲАМ, УНГА  
ЎРГАТИШ ҲАМ ЎЗИГА ХОС  
САНЪАТ. БОЛАГА КИТОБ ЎҚИШ  
УСЛУБИЯТИНИ ЎРГАТМАС  
ЭКАНМИЗ, У МУТОЛАА  
САНЪАТИНИ ЎЗЛАШТИРА  
ОЛМАЙДИ.

6-БЕТ

## РЕЖАЛИНИНГ ИШИ БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

Йил охирида барча соҳаларда сарҳисоб билан бирга келгуси йил учун режа тузилади. Зеро, «Режалининг иши баракали бўлади» дейди халқимиз.

**Эркабай ТАДЖИЕВ,**  
Қашқадарё вилояти прокурори

Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2021 йилда бажариладиган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Улар куйидагилардан иборат:

- вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бюджет маблағининг тўғри ишлатилишини таъминлаш;
- тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш;
- захира ерлар ва бўш турган биноларнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни ташаббускорларга таклиф қилиш;
- «Темир дафтар»дан чиқарилган оилаларни доимий назоратга олиш ва уларни қўллаш чораларини кўриш;
- «Ёшлар» ва «Аёллар» дафтарларини шакллантириш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ишга, касбга, уйга бўлган эҳтиёжларини ҳал этишга қаратилган аниқ таклифлар киритиш;
- меҳнат мигрантларини иш билан таъминлаш, касбга ўргатиш, тадбиркорликка жалб қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;
- ерлар талон-торож қилиниши ва ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш;
- ойлик таҳлиллар асосида ҳар бир маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини йўлга қўйиш;
- жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш.


Давоми 3-бетда

Газетамизнинг 26 ноябрдаги сониди «БЕТАРТИБ КЎЧА» номли мақола чоп этилган бўлиб, унда пойтахтнинг қоқ марказидаги Шаҳрисабз 5-тор кўчасида автомобилларнинг бетартиб кўйиб кетилиши ҳаракат иштирокчиларига ноқулайликлар туғдираётгани ва бошқа салбий ҳолатлар тилга олинган эди.

Орадан бироз муддат ўтиб, исжобий ўзгариш рўй берди. Яъни мазкур кўчага тўхташни тақиқловчи йўл белгилари ўрнатилиб, барчаси тартибга келди.

Бу ҳолатга безътибор бўлмаган ва муаммони тез фурсатда бартараф этган идора мутасаддиларига миннатдорчилик билдирамиз.

## ЭДИ БЕТАРТИБ, ЭНДИ БАТАРТИБ



### 2021 йил учун 12 ойлик обуна:

«Ҳуқуқ» газетасининг йиллик (52 та сон) таннархи **330 000** сўм.  
Газетани обуначига етказиб бериш ҳисобга олинмаган.  
Тегишли ташкилотларнинг хизмат ҳаққини қўшган ҳолда йиллик обуна нархлари куйидагича.


«Матбуот тарқатувчи» АК  
**457 608** сўм  
(Тошкент ш.)

«Ўзбекистон почтаси» АЖ «Матбуот тарқатиш» филиали **468 984** сўм (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар), **454 320** сўм (Тошкент ш.)

«Кўҳна-шош» МЧЖ  
**392 000** сўм  
(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.)

«Тошкент почтамти» филиали  
**454 320** сўм  
(Тошкент ш.)

«Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти билан шартномаси мавжуд ташкилотлар



## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

18 декабрь куни Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошевнинг Саудия Арабистони подшоҳлигининг Ўзбекистондаги фавкулдда ва мухтор элчиси Ҳишом ас-Сувайлим жаноблари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Томонлар икки давлат прокуратура органлари ўртасида ҳуқуқий соҳада шаклланган муносабатларнинг бугунги ҳолати, жиноятчиликка қарши курашиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболлини муҳокама қилдилар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Саудия Арабистони подшоҳлиги прокуратураси ўртасида ишлаб чиқилган ҳамкорлик тўғрисидаги битим икки томонлама алоқалар самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиши кайд этилди.

Учрашув иштирокчилари ушбу мулоқот ҳуқуқий соҳада ўзаро алоқаларнинг ривожланишига туртки бўлишини таъкидлашди.

NAZORAT

## НАФСИГА БАНДИ МАНСАБДОРЛАР

Учкўприк тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда бир қатор камчиликлар аниқланди.


Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан пудратчи «Бахрин томорқа» МЧЖ, «Янгиобод томорқа» МЧЖ ҳамда камбағал фуқаролар ўртасида тузилган уч томонлама шартноманинг 2-бўлими 2.2-бандида «шартнома имзолангандан кейин 5 кун мобайнида буюртмачи туман АБКМ томонидан пудратчи ташкилот ҳисобига шартнома суммасининг 15 фоизини олдиндан ўтказиб бериши ҳамда қолган 85 фоизи пудратчи ташкилот томонидан маҳсулот томорқа эгасига етказиб берилгандан сўнг тузилган далолатномага асосан АБКМ томонидан тўлаб берилиши» белгиланган. Бироқ 2020 йил март-июль ойларида 124 та ҳолатда шартнома шартига зид равишда «Янгиобод томорқа»нинг ҳисобқрамига 13 та енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун 28 млн. 990 минг сўм ва 3 та сўғориш воситаси қуриш учун 6 млн. 690 минг сўм, «Бахрин томорқа»нинг ҳисобқрамига эса 107 та енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун 238 млн. 610 минг сўм ва 1 та сўғориш воситаси қуриш учун 1 млн. 115 минг сўм, жами 275 млн. 405 минг сўмлик 100 фоиз субсидия асосидан равишда ўтказиб берилган.

Шунингдек, 16 нафар фуқарога ўтказиб берилган 35 млн. 680 минг сўмлик субсидия эвазига «Бахрин томорқа» томонидан иссиқхона қуриб берилмагани ва 104 та ҳолатда май-июль ойларида қурилган иссиқхоналар учун белгиланган калькуляцияга нисбатан 47 млн. 146 минг 400 сўм кам пул сарфлангани ҳамда марказ, «Бахрин томорқа» ва фуқаро ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмасдан, АБКМ томонидан сохта далолатномалар расмийлаштирилиб, 86 млн. 46 минг 300 сўм пул тўлов ҳисоботларига қўшиб ёзилгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, туман АБКМ мансабдорлари 1999 йил 2 июлда давлат рўйхатидан ўтган «Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида»ги 762-низом ижросида ҳам 12 ҳолатда 5 млн. 379 минг 519 сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйган.

Туман прокуратураси томонидан марказ мансабдорлари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

**Ахмаджон ТУХТАСИНОВ,**  
Учкўприк тумани прокурори



## САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

22 декабрь куни Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ҳузурдаги мулоқоат масалалари бўйича Атташе аппарати вакиллари қатта полковник Сюй Чанчжи, полковник Ду Хундэ ва полковник У Е билан учрашди.

Томонлар икки давлат ҳарбий прокуратура органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ва уни янада ривожлантиришнинг келгусидаги истиқболларини муҳокама қилдилар.

Хусусан, ишлаб чиқилган идоралараро ҳамкорлик ҳақидаги Меморандумнинг икки томонлама алоқаларнинг самарадорлигини оширишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиши алоҳида кайд этилди.

Иштирокчилар мазкур мулоқотнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлар ривожланиши ва мустаҳкамланишида янги туртки бўлишини таъкидлашди.

Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

FAOLIYAT

## БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ЭЪТИБОРИМИЗДА БЎЛАДИ

Чимбой тумани прокурорига бириктирилган 2-сектордаги 5 та маҳаллада 5719 та хонадон бўлиб, уларда 6232 та оила истиқомат қилади. Ўрганишлар давомида ушбу оилаларнинг 383 таси ёрдамга муҳтожлиги, шундан 326 таси камбағаллиги ва 57 таси пандемия сабабли даромадини йўқотгани аниқланди.

Шу кунга қадар уларга 644 млн. 654 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, 12 та оилга 26 млн.760 минг сўмлик иссиқхона қуриб берилди ва айримларига 1 қутидан 2 млн. сўмлик асалари уяси, 4 та оилга 13 млн. сўмлик қорамол, 20 та оилга 13 млн. 880 минг сўмлик қўй-эчки, 17 оилга 3 млн. 600 минг сўмлик товуқ, 5 та оилга 1 гектардан ер, 383 та оилга 517 млн. 868 минг сўм нақд пул ва 67 млн. 546 минг сўмлик озиқ-овқат тарқатилди.

Шунингдек, пандемия даврида доимий даромад манбаидан айрилган хонадонларда яшовчи 387 кишининг меҳнатга лаёқатли экани, лекин ишсизлиги аниқланиб, бугунги кунгача 358 нафарининг бандлиги таъминланди.

Пандемия шароитида бандлиги таъминланган, ўзини ўзи банд қилган ҳамда томорқасидан самарали фойдаланиш орқали доимий даромадга эга бўлган 146 та хонадонни камбағалликдан чиқариш бўйича халқ депутатлари Чимбой тумани кенгашига тақлиф берилди ва сессия қарори билан тасдиқланди.

Ўтган давр мобайнида 2-секторда фуқароларга тегишли 2 та уй, 8 та трансформатор, 855 млн. 800 минг сўмлик 3,2 км. йўл таъмирланиши, 854 млн. сўмлик 3,1 км. ичимлик сув тармоғи қурилиши таъминланди.

Жумладан, Темирийўл гузари маҳалласида яшовчи С.Ешбаев, М.Караматдинов ва А.Турекевга «Халқ банки»нинг Чимбой филиалидан 30 млн. сўм кредит олишида ёрдам кўрсатилиб, ушбу маблағ эвазига фуқаролар иссиқхона, паррандачилик, ўтов қуриш ва дурадгорликни йўлга қўйди.

Шунингдек, Конши маҳалласида яшовчи Б.Мамбетмуратов темир эшик, панжара ишлаб чиқариш мақсадида хориждан 200 млн. сўмлик ускуналар олиб келмоқда. Ушбу лойиҳа асосида 6 та иш ўрни яратилади. Сектор раҳбарининг ташаббуси билан Тағжап овулида яшовчи Г.Жумабаева, Б.Утегенов, У.Камаловнинг уйлари ҳомий ташкилотлар ёрдами билан таъмирлаб берилди.

Конши маҳалласида «Razim Rasul Raухan» МЧЖ томонидан тиббий клиника ташкил этиш мақсадида 1 млрд. 220 млн. сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, 4 та иш ўрни яратилди.

Албатта, сектор ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан бир қаторда, камбағал, ёлғиз ва даромад манбаидан айрилган кишиларнинг бандлигини таъминлаш каби масалалар бундан кейин ҳам эътиборимизда бўлади.

**Руслан АТАМУРАТОВ,**  
Чимбой тумани прокурори

**ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР**

Бюджет маблағининг тўғри ишлатилишини таъминлаш ва талон-торож қилинишининг олдини олиш мақсадида вилоят прокуратурасида прокуратура, молия, банк идораларининг мутахассисларидан иборат «Вазиятни тизимли мониторинг қилиш» гуруҳи ташкил этилди.

Ушбу гуруҳ томонидан бюджет масалаларига масъул идораларнинг фаолияти мувофиқлаштирилади ва маблағнинг кундалик сарфи таҳлил қилиб борилади.

Тадбиркорларни қўллаш, муаммоларини ҳал этиш, янги лойиҳаларга жалб қилиш мақсадида барча туман ва шаҳар прокуратураларида доимий фаолият юритувчи «Тадбиркорлик ишчи гуруҳлари» ташкил этилди. Унга банк,

ти доирасида йил бошидан 18192 та камбағал оиладан 15465 таси «Темир дафтар»дан чиқарилиб, уларнинг 16163 нафар аъзоси иш билан таъминланди, 33,4 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилди. Йил якунига қадар 2736 та камбағал оиланинг доимий даромад манбаини яратиш чораси кўрилади.

Шунингдек, келгуси йилда ижтимоий аҳволи оғир бўлган 1839 та оилани (ногиронлар, ёлғизлар, меҳнатга лаёқатсизлар) доимий назоратга олиш ва қўллаш чоралари кўриб борилади.

Яратилган янги тизим бўйича давлат ҳисобига ундирув билан боғлиқ ижро ҳужжатларидан келиб тушган пулнинг 50 фоизи «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллашга йўналтирилади. Шу мақсадда йил якунига қадар 123 миллиард сўмни давлатга ундириш бўйича режа ишлаб чиқилиб, 17-28 ноябрь оралиғида 48 миллиард сўм ёки 40

ларда 7255 та ҳолатда 1292 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллангани, 6499 та ҳолатда 156 гектар ерда ноқонуний қурилишлар амалга оширилгани аниқланган. Шундан 556 гектар ер давлат захирасига ихтиёрли қайтарилган, судларга киритилган 1521 та даъво аризаси қаноатлантирилган, ноқонуний қурилишларни бузиш ҳақидаги суд қарорлари ижрога қаратилган.

Шу билан бирга, ноқонуний қурилишларнинг олдини олишнинг самарали механизми мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилмоқда:

- маҳалла раиси ва профилактика инспекторига ер ажратишга оид қонуний ҳужжатларни кўрсатмасдан қурилиш бошлашни тақиқлаш;
- ноқонуний қурилиш қилинганда, шунингдек, кадастр ҳужжатларини

фармойиши қабул қилинди. Фармойиш асосида ўтказилган таҳлилда 771 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 325 таси ўз биносига эга эмаслиги, 69 таси таъмирталаблиги аниқланган.

Бугунги кунда 13 та маҳалла биноси қуриб битказилган, шунингдек, 55 тасида (бюджет ҳисобидан 28 та, давлат-хусусий шерикчилик ва ҳомийлик асосида 27 та) қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Хусусан, вилоят прокуратураси таъаббуси билан криминоген вазият оғир бўлган Қарши шаҳридаги Ойдин маҳалласида давлат-хусусий шерикчилик асосида маҳалла биноси қуриб битказилди. Маҳаллага 173 та видеокузатув мосламаси ва 300 дан ортиқ тунги чироқ ўрнатилди. Натижада биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Амалдаги қонунчиликка кўра вилоят марказларидан давлат-хусусий шерикчилик асосида ер участкаларининг

**FAOLIYAT**

# РЕЖАЛИНИНГ ИШИ БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

молия, солиқ, кадастр идораларидан мутахассислар жалб қилинди.

Биргина февраль ойида Нишон туманида тажриба тариқасида ташкил этилган «Тадбиркорлик ишчи гуруҳи» томонидан 1510 гектар захирадаги ва самарасиз фойдаланилаётган ерлар, 16 та бўш турган бино аниқланди. Улар асосида 45 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, тадбиркорларимизга ҳавола қилиниши натижа-сида уларнинг барчасига эга топилди.

Норасмий тадбиркорларнинг фаолиятини легаллаштириш орқали солиқ базасини кенгайтириш доимий назоратимизда бўлади. Хусусан, солиқ идоралари билан ҳамкорликда Қарши шаҳри,

фоизининг ундирилиши таъминланди.

«Ёшлар» ва «Аёллар» дафтарларини шакллантириш ишлари Қарши шаҳри ва Ғузор туманида яқунланди. Қолган туманларда ҳам йил охирига қадар тугатилади. Бу жараёнда аниқланган муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилди.

Масалан, Қарши шаҳри 2-секторига ўтказилган хатловда 1854 та хонадоннинг аксариятида учтадан бештагача оила яшаётгани аниқланди. Оилавий низолар асосан шундай хонадонларда юзга келмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, ёшларимизнинг, камбағал оилаларнинг кўп

расмийлаштиришдан бўйин товланганда профилактика инспекторига маъмурий баённома расмийлаштириш ваколатини бериш;

– ҳужжатсиз қурилиш билан боғлиқ ишларни суд буйруғи тартибида ҳал этиш.

**МАҲАЛЛА ТИНЧ БЎЛСА...**  
Маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор нотинч оилалар, судланганлар, профилактик ҳисобда турганларнинг бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кўмак беришга қаратилаяпти.

Хусусан, жиноятга мойил 171 155 кишининг рўйхати тузилиб, улар билан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Йил давомида бозорлар, дўконлар, маҳаллаларнинг кириш ва чиқиш жойларига 14 миңдан ортиқ кузатув камераси жойлаштирилди. Жорий йилнинг 10 ойида 771 та маҳалланинг 388 тасида жиноят содир этилмади.

Келгусида ойлик таҳлиллар асосида ҳар бир маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича «Суд таҳлили»

тўғридан-тўғри ажратилиши тақиқланган. Келгусида инвесторларга намунавий лойиҳаларга мувофиқ маҳалла бинолари қуриш учун ерни танлов ўтказмасдан тўғридан-тўғри ажратишга имкон берилса, бу борадаги ишлар жадаллашар эди.

**КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ТУШОВИ**

Бюджет маблағи талон-торож қилинишининг, шу жумладан, коррупцион жиноятларнинг олдини олиш бўйича қилган ишларимиз ва вазифаларимиз тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида депутатлар ва жамоатчилик олдида ҳисобот берилди.

Вилоят прокуратура органларининг коррупцияга қарши кураши жадаллаштирилиши натижа-сида 10 ойда 112 та жиноят фош этилди.

Жорий йилда 79 нафар мансабдорнинг пора олгани аниқланиб, улар жиноий жавобгарликка тортилди. Коррупция оқибатида етказилган 21 миллиард сўмдан ортиқ зарар ундирилди. Бу тоифадаги жиноятларни содир этган 158 киши жавобгарликка тортилган.

Ташкилот ва идораларда коррупциянинг сабаби ўрганилганда айрим соҳаларда ички назорат ҳамда юри-

**1292 гектар ер ўзбошимчилик билан эгалланган.**

Косон, Ғузор, Қамашы ва Қарши туманларида ўтказилган хатлов жараёнида 1093 нафар тадбиркорнинг фаолияти легаллаштирилиб, ҳозир улардан ойига ўртача 300 миллион сўм солиқ ундирилмоқда.

2021 йилда 26,1 триллион сўмлик 1153 та лойиҳанинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Шу мақсадда банкларнинг раҳбарлари билан 28-29 ноябрь кунлари йиғилиш ўтказилиб, 2020 йилда қилинган ишлар, 2021 йилда ишга туширилиши режалаштирилган лойиҳалар муҳокама қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш чоралари белгилаб олинди. Бу борадаги ҳамкорлик давом эттирилади.

«Ҳар бир оила тадбиркор» давлат дастури доирасида ажратилаётган 37 миллиард сўм имтиёзли кредитнинг тўғри сарфланиши устидан назорат ўрнатилди. Шу билан бирга, маҳаллаларда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш соҳаларига эҳтиёжни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

2020 йилнинг 10 ойида прокурорлар томонидан 852 та тадбиркорлик субъектига ёрдам кўрсатилди, шундан 106 тасига ер ва бино, 331 тасига кредит ажратилди, 93 нафар тадбиркорнинг фаолиятини тиклаш натижа-сида 440 та иш ўрни яратилди.

**ИККИНЧИ СЕКТОР КЎМАГИ БИЛАН**

Вилоятнинг иккинчи секторига «Саховат ва кўмак» умуҳмақ ҳаракати

муурожаатларидан келиб чиқиб, арзон уйларнинг дастлабки бадали кредит тўлови каби бўлиб-бўлиб тўланишини йўлга қўйиш улар учун энгиллик бўлар эди.

Шунингдек, кўп қаватли арзон уйлар қуришда айнан шу қасбга тайёрланган аҳоли кучидан фойдаланилса, улар уйларнинг асосий талабгорларидан бири сифатида белгиланса, уларнинг бандлигини таъминлашга ва манфаатдорлигини оширишга шароит яратилар эди.

Бундан ташқари, чет элдан қайтган 17431 нафар меҳнат мигрантидан 9260 нафарининг бандлиги таъминланган, 475 нафари тадбиркорликни бошлаган.

Меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш бўйича қуйидаги йўналишларда иш олиб борамиз:

- уларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиш мақсадида ҳудудларда учрашувлар ташкил этиш;
- 2021 йилда иш бошлайдиган «Ишга марҳамат» марказида уларни касби ва малакаси бўйича рўйхатга олиб, иш билан таъминлаш ҳамда қасбга ўқитиш ва хорижий тилларни ўргатиш;
- тадбиркорликка жалб қилиш;
- касби бўйича норасмий ишлаётган мигрантлар фаолиятини қонунийлаштириш.

**ЕРНИНГ ТАЛОН-ТОРОЖ ЭТИЛИШИ ВА НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ**

Вилоят прокуратураси жорий йилнинг ўтган даврида ўтказган текшириш-

**Хориждан қайтган мигрантлардан 9260 нафарининг бандлиги таъминланган.**

тизимни йўлга қўйилади. Бунда туман ва шаҳар прокуратураларида ташкил этилган «Эксперт-таҳлил гуруҳи» ҳамда сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда жиноятларнинг сабаблари ўрганилиб, ҳар бир маҳаллада белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Шунингдек, келгусида: – фош этилмаган 66 та жиноятни фош этиш; – қидирувдаги 135 кишини ушлаш; – профилактика инспекторлари ўртасида ўқув машғулотлари ўтказиш; – маҳаллаларни ободонлаштириш ва тунги чироқлар билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ролини ошириш мақсадида вилоят прокуратураси ва ҳокимлигининг қўшма

# ИСЛОҲОТНИНГ МАҚСАДИ – АДОЛАТ

Инсон ҳақида қайғурган, унинг манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлаган жамиятгина истиқболлидир. Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди. Хусусан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 июль куни эълон қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

**К**олаверса, суд ҳимоясини таъминлашдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, суд қарорларини қайта кўришда бир-бирини такрорловчи босқичларга йўл қўймаслик ҳамда бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг тузилишини халқро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Мазкур фармон билан Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура ва Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб, суд ишларини назорат тартибда кўриш институтини тугатиш, Олий суд раиси ва Бош прокурор, уларнинг ўринбосарларининг суднинг хал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилга риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишнинг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсиқлик қилувчи омилларни тез аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Бундан ташқари:

- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш;
- апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш;

- Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг протестига кўра кассация тартибда такроран кўриб чиқиш;
- давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;
- прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафларнинг мурожаати мажбурд бўлган ҳолдагина, суддан қақриб олиб ўрганиш;
- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш тартиби жорий этилади.

Шунингдек, фармонга кўра, Олий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилишида инвестициявий инзоларни ҳамда рақобатта оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини тузиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.


Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд оstonасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак.

**Шукурулло ХАТАМОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

## ҚУРУҚ ЕРГА КАДАСТР

Қонунга хилоф равишда иш тутиб, “Кадастр идораси уйимни ҳужжатлаштириб берган, тураржойим қонуний” деб хотиржам юрган фуқаролар йиллар ўтиб, жабрдийда бўлиб қолишлари тайин. Чунки, маълумотларга кўра, шу пайтгача ноқонуний қурилган уйга қонунга хилоф йўллар билан кадастр ҳужжати қилиб олган бирорта фуқарога уйи бузилганда ҳеч қандай компенсация тўланмаган.

Ушбу маълумотдан Қибрай туманидаги Янги авлод МФЙ раиси беҳабар бўлиши мумкин, лекин у ноқонуний иш қилиш оқибатини жуда яхши тушунарди. Маҳаллада 6 сотих қаровсиз ётган ер бор эди. Шуни кўз остига олган Александра Саломатова маҳалла раиси Сирожиддин Қўзиёвга учрашди. Уй-жойи йўқлигини айтиб, уни аврайдди. Шу ерни номинга расмийлаштириб берса, уй қуриб олишини таъкидлайди. Маҳалла раиси ҳеч қандай иморати бўлмаган жойга кадастр ҳужжати тайёрлаб бўлмаслигини яхши биларди. Шундай бўлса-да, аёлни бу ишдан қайтармади. Аксинча, А.Саломатовани ушбу ерда бир хона уй, ошхона, ҳожатхона қуриб олган ҳолда бир неча йиллардан буён яшаб келаётганлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб беради.



2019 йилнинг апрель ойида А.Саломатова Вазирлар Маҳкамасининг 461-сонли қарори бўйича уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини кўлга киритиш учун мазкур маълумотнома асосида Қибрай тумани Давлат хизматлари агентлигига ариза билан мурожаат қилади. Ўз навбатида аёлнинг ушбу мурожаати “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” ДКнинг туман филиали мутахассиси Азизбек Мусаевга келиб тушади. У аслида маълумотномада кўрсатилган объектни бориб ўрганиши керак эди. Лекин мутахассис ундай қилмади. Ҳеч қандай иморатлари бўлмаган ерга А.Мусаев ҳам бир хона уйи, ошхона ва ҳожатхонаси бор, деган техник чизма қилиб, унга сохта маълумотлар киритади ва умумий электрон тизимга юклаб қўяди. Оқибатда А.Саломатова мана шундай эътиборсизлик ва сохтакорлик асосида кадастр йиғма жилд ҳужжатларини қўлга киритади.

Ноқонуний ишнинг миси чиқмасдан қолмайди. Тегишли идоралар томонидан ўтказилган текширишларда учала шахснинг ҳам қилмишлари ошқор бўлди. Суд ҳукми билан уларга тегишли жазо тайинланди.

**Акрам ХАЛИЛОВ,**  
департаментнинг Қибрай тумани бўлими бошлиғи

## ФАОЛИЯТ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси таркибий тармоқлари бошлиқлари ҳудудий ҳарбий прокуратураларга ёрдам кўрсатиб келмоқда.

**О**рда қолган ҳафтада саккизта вилоятдаги ҳарбий прокуратураларга борилиб, уларнинг фаолияти ўрганилди.

Ташрифлар давомида ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳар бир ҳарбий қисмни ҳуқуқбузарликдан холи тузилмага айлантириш, шунингдек, янги қонунлар, ислохотларнинг моҳияти юзасидан барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар иштирокида ўнга яқин тарғибот тадбири амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳарбий қисм ва муассасаларда хизматни ўташ учун яратилган шароитлар, жорий қилинган қулайликлар ўрганилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Мўйноқ туманидаги Ихтисослаштирилган табиатни тиклаш ва Мухандислик қурилиш батальонларида ҳарбий хизматчиларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишилди. Ҳарбий хизматчилар озин-овоқат, ётоқ жойи, кийим ва бошқа нарсалар билан қай даражада таъминлангани, уларнинг соғлиғини сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати ҳамда ҳарбийларнинг фаолиятига доир бошқа масалалар ўрганилиб, кўмондонлик вакиллари билан ҳамкорликда фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

**Шухрат ЗОИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

## TURNIR

### ҲАМ ЧИНИҚИШ, ҲАМ АЪЛО КАЙФИЯТ

Мамлакатимизда турли соҳа вакиллари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Жисмонан чиниқтирувчи, кайфиятни кўтарувчи мусобақалар ташкил этиляпти.



**Ф**арғона вилояти прокуратурасида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ишдан кейин спорт тадбирлари ташкил қилинмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ҳодимлар ўртасида минифутбол ва стол теннис мусобақалари ўтказилаяпти. 32 нафар ҳодим қатнашган стол теннис баҳсларида Фарғона шаҳар прокуратурининг ўринбосари О.Тошпўлатов ғолибликни қўлга киритди.

Минифутбол баҳсларида виллоят прокуратураси билан бирга Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ҳарбий прокуратура, Мажбурий

ижро бюроси, Транспорт прокуратураси жамоалари майдонга тушмоқда. Тўртта гуруҳда 20 та жамоа ўртасидаги баҳслар муросасиз ўтмоқда. Ўтган ҳафта виллоят прокуратурасининг «Маҳкама 1» жамоаси билан Бешариқ ва Фуркат тумани прокуратуралари ҳодимларидан иборат жамоа учрашувда 5:2 ҳисоби кайд этилди. Департамент ва Қўқон шаҳар прокуратураси жамоалари учрашувда эса омад шаҳар прокуратураси жамоасига кулиб бокди. Ҳисоб 2:3 бўлди. Ҳарбий прокуратура жамоаси МИБ жамоасини 4:2 ҳисобида маглуб этди.

Ўтган жамоалар финалда беллашади. Унинг натижасига биноан ғолиб ва совриндорлар тақдирланади. 2021 йил 8 январь – Прократура органлари ҳодимлари кунини муносабати билан ўтказиладиган финал ўйинида ғолиб бўлган жамоа аъзолари, шунингдек, энг яхши ҳужумчи, энг яхши ҳимоячи, энг яхши дарвозабонга Фарғона виллоят прокурори томонидан совғалар топширилади.

**Рустамжон ТИЛЛАЕВ,**  
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

## БОМБАЧАЛАРДАН САҚЛАНИНГ!

Янги йил барча, айниқса, болалар орзиқиб кутадиغان байрамдир. Қорбобо ва қорқиз, уйнинг тўрида безатилган арча уларга бир олам қувонч бағишлайди. Бироқ шундай кунда кўнгилни хира қилувчи вазият юзага келиши ҳам ҳеч гап эмас.

Гап нима ҳақида кетаётганини англаган бўлсангиз керак. Дарҳақиқат, мазкур байрам арафасида кўча-кўйда янграйдиган пақилдоқнинг кўрқинчли овозлари катта ёшларнинг асабини бузмасдан қолмайди. Ушбу кичкина бомбача инсониятга ҳеч қачон наф келтирмаган. Аксинча, унинг ортида турли кўнгилсиз вазиятлар ҳам учраб тургани барчамизни хушёр тортириши керак. Мана шундай мулҳиш ҳодиса ўтган йили Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ҳам содир бўлди.

2019 йил 31 декабрь. Ҳамма байрам таралдуди билан овера. Кимдир байрамга ширин таом тайёрламоқда, кимдир фарзандларига совга қидирапти, бировлар бошқа юмушлар билан банд. Аммо икки синфдош Хайдар ва Мансур (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўлбола пиротехникани тайёрлапти. Ишга шунчалик берилиб кетганидан ёнларига Хайдарнинг отаси келиб қолганини ҳам сезмай қолишади. Ота фарзанди ва унинг ўртоғига танбех беради. Мансур уйига қайтишида ўзи ясаган пақилдоқни олиб кетади ва

яшириб қўяди. У янги йил кириб келиши билан кўчада гумбурлатиб, танишлари олдида мактанишни ният қилганди.

Орадан маълум вақт ўтиб, янги йил кириб келади. Байрамни оиласи билан кутиб олган синфдошлар тантанани ўртоқлари билан бирга нишонлаш мақсадида кўчага чиқишади. Улар тўтри Чиноз тумани марказига йўл олишади. У ерда танишлари Баҳром, Сарвар ва Комил билан учрашишади. Шу пайт Баҳромнинг кўзи Мансурнинг қўлидаги пиротехникага тушади. У оғайнисидан пақилдоқни олиб, кўчанинг ўртасига отиб юборади. Ҳамма четга қочганча, қулогини ёпиб, пақилдоқнинг портлашини кузатади. Аммо бу томоша фожиа билан тугади. Чунки пақилдоқнинг бир бўлаги шу ерда бўлган 15-16 яшар бир болага тегиб, унинг ўлимига сабаб бўлди.

Бу қилмиши учун айбдорлар жазосини олди. Бироқ шўхликлари сабаб ҳаётдан кўз юмган боланинг оила аъзолари олдида ўзини қандай оқлашади? Бу энди уларнинг виждонига ҳавола...

Дарвоқе, шу кунларда пиротехникаларнинг олди-сотдисида қарши мутасаддилар томонидан мунтазам рейдлар ўтказиб келинапти. Агар бу йўлда биргаикда курашилмаса, қилинаётган ишлар самара бермайди. Энг катта масъулият албатта ота-оналарда бўлади. Улар фарзандларини пақилдоқдан эҳтиёт қилишса, байрам ташвишсиз ўтади.

**Улугбек ГАНИЕВ,**  
Чиноз тумани прокурори

## «СНАЙПЕР» ПОЙТАХТГА ЕТИБ БОРМАДИ

31 ёшни қоралаётган андижонлик Аббос Мамадиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қилмишининг оқибатини яхши биларди. Ҳар ҳолда, ёшига қараб шундай хулоса қилиш мумкин. Бунинг устига икки марта жиноят йўлига кириб чиқишга улгурган. У дастлаб 2011 йилда жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, 2017 йилда Шахрихон тумани суди ҳукмига кўра жазага тортилганди. Аммо...

Аббос тагин жиноят кўчасига билмасдан кирди дейиш ноўрин. У «Ласетти» Автомобилида 26 млн. 83 минг сўмлик 2243 қути пиротехникани қонунга хилоф равишда Тошкент шаҳрига олиб кетаётганида Поп туманида ушланди.

У таркиби порохдан иборат, кучли шовкин чиқариб портлаш хусусиятига эга 396 қути «Снайпер», 350 қути «Тренинг», 221 қути «Патерди» ва 276 қути «Соловей-разбойник» номли пиротехника буюмларини пойтахтда сотиш учун йўлга чиққан эди.

Жиноят ишлари бўйича Поп тумани суди унинг бу қилмиши учун иш ҳақининг йнгирма фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

**Гўзал ШАРИПОВА,**  
Поп тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

**Исломо тараққиёт банки Ўзбекистонда 509 млн. долларлик лойиҳаларни молиялаштиради.**

# РАҚАМЛАР ФАОЛИЯТДАН СЎЙЛАЙДИ

Департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан 2020 йилнинг ўтган даврида қатор ишлар амалга оширилди. Тадбиркорларнинг ҳимоясига оид 724 та тарғибот тадбири ўтказилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 499 кишига ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар берилди. Натижада 500 та янги иш ўрни яратилди, қўшимча 1 млрд. 250 млн. сўмлик товар айланмаси амалга оширилиб, бюджетга 590 млн. сўм солиқ ундирилиши таъминланди.

**Ж**исмоний ва юридик шахслардан 395 та мурожаат келиб тушди. Шундан 270 таси хал қилинди, 61 таси қаноатлантирилди, 2 таси рад этилди ва 207 таси бўйича ариза муаллифларига тушунтириш берилди. Мурожаатларнинг 62 таси текшириш материаллари ва жиноят ишларига кўшиб кўрилди. Хал қилинган мурожаатлар бўйича 24 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Тадбиркорларнинг ҳимоясига оид 14 та жиноят иши кўзга тилиди. Хусусан, Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими томонидан «Бухара билдинг строй» МЧЖ раҳбари М.Муродовнинг аризаси текширилди. Унда жамиятнинг собиқ раҳбари Б.Норов бир гуруҳ шахслар билан жинорий тил бириктириб, МЧЖнинг йнгилиш баёнига сохта ёзув киритиб, унда таъсисчи Ж.Сафаровнинг имзосини қалбақлаштириб, нотариал идорага тақдим қилгани, шу асосда «Ҳамкор-банк»нинг Бухоро филиалидан 1 млрд. 200 млн. сўм кредит олиб, талон-торож қилгани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тилиди.

Коррупциянинг олдини олиш борасида 504 та тадбир ўтказилган. Аммо хануз порахўрлик иллатига батамом чек қўйилгани йўқ. Бу борада 64 та жиноят фош этилди. Мансабдорлик жиноятларини аниқлашга қаратилган тадбирлар натижасида 46 та жиноят иши кўзга тилиди. Яширин иктисодиёт – тараққиёт кушандаси. Унга қарши курашиш натижасида 35 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилиб, 416,9 млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва асбоб-ускуналар олинди, уларни хомашё билан таъминловчи 3 та манба фош этилди.

Қонунда тақиқланмаган фаолият билан давлат рўйхатидан ўтмасдан шуғулланаётганларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланмасдан, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилиб, фаолиятига қонуний тус берилиши натижасида 97 та иш ўрни яратилди.

Валютага оид 72 та қонунбузилиш аниқланди. Ноқонуний муомалага киритилган 31372 АҚШ доллари, 190 400 Россия рубли, 420 млн. сўмдан ортик пул далалий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бюджет маблағини талон-торож қилиш борасида 38 та жиноят, 24 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, давлат бюджетига жами 5 млрд. 219 млн. сўм зарар етказилгани аниқланди ва қонуний чоралар қўрилди.

Департамент органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш натижасида давлат бюджетига 67,3 млрд.

сўмдан ортик қўшимча солиқ ҳисобланиб, 16,8 млрд. сўмдан ортиги ундирилди.

Карантин вақтида бошқарма ва унинг бўлимлари томонидан вилоятдаги 14 та деҳқон бозорига «Даладан дастурхонга» тамойили асосида арзонлаштирилган ярмаркалар ташкил этилди. 39 та ҳолатда маҳсулотлар қиммат нархда сотилаётгани аниқланиб, 30 млн. сўмлик маҳсулот олиб қўйилди.

Бозорларда нархлар ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳридан 98 тонна картошка олиб келиниб, аҳолини узлуксиз таъминлаш механизми яратилди. Яширинча сақлаб келинаётган 64 тонна картошка ва 15 тонна пизё аниқланиб, бозорларда арзон нархда сотилиши таъминланди.


## Бюджет маблағини талон-торож қилиш билан боғлиқ 38 та жиноят аниқланган.

Шунингдек, карантин пайтида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўчма ярмаркалар ташкил этилиб, аҳолига 103,8 тонна озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзон нархларда етказилди.

Қишга тайёргарлик доирасида кўмир талон-торож қилинишининг олдини олиш борасида профилактик тадбирлар ўтказилди. Бу борада қонунбузарлик содир этилганда департаментнинг ишонч телефонига мурожаат қилишни аҳолига тушунтириш учун видеоролик тайёрланиб, телевидение орқали эфирга узатилди.

Департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан фуқаро З.Жўраевнинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда «Кўмир таъминот» МЧЖ Бухоро вилояти филиалига қарашли Вобкент тумани омбухонаси муdiri М.Зайниддинов сотиш учун мўлжалланмаган, брикет тайёрлашда ишлатиладиган хомашёнинг ҳар бир килограммининг 450 сўмдан ҳисоблаб, 41460 кг. маҳсулотни 18 млн. 650 минг сўмга сотган ҳолатда ушланган. Бу хомашёдан тайёрланган 1 килограмм кўмир брикетининг нархи 412 сўм 50 тийин. М.Зайниддинов уни 1 547 700 сўм қиммат сотган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

**Сирожиддин ЖАВЛИЕВ,**  
департаментнинг Бухоро вилояти  
бошқармаси бошлигининг ўринбосари



# КИТОБЛАР УЛЖАН ФИКР КЕМАЛАРИДИР

## Шоирларни фақат туғилган кунда эслаймизми?

Биз ўзбеклар азалдан китоб-севавр халқимиз. Аждодларимиз учун маърифат ҳамиша ҳаётий эҳтиёж бўлиб келган. Фалакиётдан тортиб тиббиётгача, ҳатто ҳозир мислсиз ривожланган ахборот технологиялари соҳасининг тамал тошини кўйган ўнлаб буюк боболаримиз болаликдан маърифатга интилгани учунгина даҳо бўлиб етишишди.

Хўш, нега бугун биз, Хоразмий, Абу Али ибн Сино авлодлари, илм-фанда орқада қолдик? Нега интернетда ғийбатлашиб, бўлмағур хабарларни ўқиб, уларга муносабат билдириш, бачкана кўрсатув ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи чет эл сериалларини томоша қилишга соатлаб вақт сарфлаймиз, аммо йилда ақалли бир марта кутубхона ёки китоб дўкони остонасидан ҳатламаймиз?

Мамлакатни ҳар жиҳатдан қудратли қиладиган восита илмийлигини ҳеч қайсимиз инкор этолмаймиз. Китобдан ихлоси қайтган, куну тун «Game club»ларда компьютер ўйинларига муккасидан кетган, кўча-кўйда кулоғига наушник тиқиб, бемаъни мусиқаларни тинглаб кетаётган ёшлар билан мамлакатни буюк давлатга айлантириб бўладими?

Модомики, китобнинг ёш авлод дунёқарашини бойитиши ҳақида гап борар экан, муаммо атрофида эмас, унинг негизидан келиб чиқиб фикр юритиш керак. Оммавий китобхонлик бурунги-дек эмас деярлик заиёларимиз талайгина. Бироқ бу сўзлар фақат ўша зиёли қатламнинг ўзида қолиб кетаётгандек. Телевидение, радио ва матбуотда истеъдодли ёшларнинг ютуқлари тез-тез тилга олинади, иқтидорига таҳсинлар ўқилади. Бу яхши. Бироқ истеъдоди бору имконияти йўқлар ҳақида лом-мим дейилмайди. Далада ишлаб, Бедилни шарҳлай оладиган одамлар, «Қиссаи Машраб»ни ёддан айтувчи болалар борлиги ҳақида жиммиз.

Ҳозир таълим муассасаларининг барчасида «Маънавият хонаси» ишлаб турибди. Бироқ маънавият ишини жўн тушунувчилар йилда бир-икки бор навоийхонлик, бобурхонлик ёки бедилхонлик кечалари ўтказиш билан чекланыпти. Негаки, бу шоирларнинг туғилган кунини бир йилда бир марта келади-да!

## Тоза маърифат суви

Маънавий дунёқарашини тор, илми саёз, ҳулқи бузук болалар қайдан пайдо бўлапти? Умирга қўлига бадний китоб олмаган, битта эртақ ё дoston ўқимай ўсган болалар эмасми улар?

Япон аёллари болаларини турли соҳаларга қизиқтириш учун уларга ойига камида 40 та китоб сотиб олиб беришар экан. Биз

да-чи? Болалари учун бир йилда битта китоб харид қилмайдиганлар қанча?

Грузияда келиннинг сепига Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонини кўшиб бериш одат экан. Бу бугунги кунда биз ҳам ўрганасак арзийдиган урфлардан эмасми? Келинларимиз сепига Куръон, Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи кўшиб берилса, қандай яхши бўларди. Албатта, бундай одатлар янги оиланинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қиладди.

Назаримизда ҳозир адабий танқидчилик ҳам анча сушлашгандек. 1970 – 1980 йилларда бирон ёзувчи ёки шоирнинг китоби чиқди дегунча Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Иброҳим Ғафуров ва Норбой Худойбергенов сингари таниқли танқидчилар ҳали сиёҳи ҳам қурмаган асарга муносабат билдиришарди. Шунда китобхон қайси китобни ўқиш керага, қайсиниси вақт сарфлаб ўтиришга арзimasлигини билиб оларди. Асари ҳали охиригача сайқалланмаган муаллиф уни наشريётга топширишдан тийилиб турса, китоби чоп этилган муаллиф унинг нечоғли аҳамиятга эгаллигини англаб, ўқувчиларни олдидаги масъулиятини яхшироқ ҳис этарди. Ҳозир-чи? Ҳақиқий истеъдодлар бир четда қолиб, пули борлар маза-матрасиз китоб чиқариб ётишибди. Бундай китобларга муносабат билдирадиган танқидчинини эса кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмай қолди.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулҳамид Чўлпон адабиётни «Ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви» дея таърифлаган эди. Биз ана шундай маърифат сувидан баҳраманд бўлмас эканмиз, комилликка эриша олмаймиз. Бадан ювилмас кирлангандек, қалбимиз ҳам мунтазам покланишга муштоқ. Бу Алишер Навоийни зикр этганда амалга ошади. Навоийнинг буюк мероси ҳар бир оила маънавиятида, фарзандлар тарбиясида катта аҳамият касб этади. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи оила аталмиш азалий иморатнинг мангу ва гўзал устунлари ҳақидаги кўшиқдир. Унинг эзгу қаҳрамонларидан ўрнак оласак, кам бўлмаймиз.

## Донишмандлар нега танқис?

Америкалик социолог Дэниел Белл «Постиндустриал жамяят» номли асарида «XXI асрда ўқиш-ёзишни биладиган ақлли одамлар кўп бўлади, лекин донишманд одамлар жуда кам учрайди» деб ёзган. Олимнинг башорати тўғри бўлиб чиқди. Донишманд – китоб ўқиган одам.

Доғистоннинг машҳур шоири Расул Ҳамзаев «Агар яна ёш

бўлиб қолганимда вақтимни омонат дафтарчамага йиғиб, қариганимда оз-оздан ишлатиб турган бўлардим» деган экан. Буни қарангки, у пул эмас, вақт йиғардим дейди. Кўпчилигимиз эса бўш вақтимизда китоб ўқиб ёки бошқа фойдали ишлар билан шуғуланмай, уни беҳуда ҳавасларга сарфлаймиз.

Қирғиз халқининг буюк фарзанди Чингиз Айтматовдан бир мухбир «Сиз кўп ёзасизми?» деб сўраганида у «Йўқ, мен кўп ўқийман» деб жавоб берган экан. Сир эмас, жаҳон адабиётининг буюк намояндалари фаолиятида китобхонлик муҳим ўрин тутди. Улар ўқиган китоблари ҳақида бетакрор мақолалар, хотиралар битишган.

Узоққа бормай, мисолни ўзимиздан олсак. «Отамдан қолган далалар», «От кишнаган оқшом» сингари севимли асарлар муаллифи Тоғай Мурод (Аллоҳ раҳмат қилсин)нинг китобхонликка ниҳоятда катта эътибор берганини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳақида у шундай ёзган эди: «Мен фақат бир мақсадни кўзладим: 30-35 ёшгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қалам қотиб қолмаслиги учун майда-майда ҳикоялар машқ қилиб туриш...».

Жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик зиё масканларидан бири, шубҳасиз, кутубхонадир. Инсоният тафаккурининг қаймоғи, турли соҳаларга

оид китоблар ана шу масканда жамланади. Компьютер барча соҳалар сингари кутубхоналарни ҳам ишғол этаяпти. Чунки ахборотни излаб топишда ундан афзал техника йўқ. Илмий ходимлар илгари қоғоз каталоглардан фойдаланиб библиография тузишлари учун бир неча ой вақт сарфлаган бўлса, компьютер туфайли энди бу ишга бир неча кун етарли. Келажакда кутубхоналар қиёфасини замонавий ахборот технологиялари белгилаб беради.

## Ҳеч қайси кашфиёт мутולהага тўсқинлик қила олмайди

Тез-тез одамлар китоб ўқимай қўйди деган фикр билдирилмоқда. Тўғри, китобхонлик сусайиб кетаётгани, китобга муносабат жўнлашиб қолаётгани рости. Сабаблари турлича: нархининг қимматлиги, пул ёки вақт етишмаслиги. Аммо яна бир сабаб ҳам борки, у ҳақда тўхталиб ўтмасак бўлмас. Тараққий этган мамлакатларда ахборот технологиялари яхши ривожланган, лекин у ерда китобхонлик сусайгани йўқ. Улар ҳамиша яхши китоб учун пулни аяшмайди. Театру музейларга тушишни қанда қилишмайди. Мумтоз мусиқаларни мароқ билан тинглашади. Биз-чи? Болаларимиз-чи? Бу ҳақда мақтанишга аризулик мисол келтиришим қийин.

Ота-оналарга шундай савол бергим келади: қачон болангизнинг қандай китоб ўқийгани

билан қизиқингиз ёки қандай яхши китоб олиб бердингиз? Халқимизда «Китоб ўқиган одамдан ёмонлик чикмайди» деган ақида бор. Бугунги ёшлар ана шу ақидага риоя қиляптими?

Ёшларнинг китобдан узоқлашаётганига ўзимиз айбдоримиз. Интернетга маломат ёғдирган билан иш битмайди. Ақлли одамлар интернетдан қандай мақсадда фойдаланишни яхши биладилар. У – тараққиёт маҳсули. У орқали бутун дунё билан боғланиш мумкин.

XXI асрда ахборот технологиялари тараққий этди. Натижада энди биров китоб ўқиши амри маҳол деган қарашлар пайдо бўлди. Бу ҳолат кўпчилик адабиёт ихлосмандлари ва забардаст адабиётчиларни ҳам ўйлантириб қўйди. Узоқ мунозаралардан сўнг эса жамоатчилик «Ҳар қандай ақлли шоширадиган кашфиёт китоб мутולהасига тўсқинлик қилолмайди, аксинча, ўзгаришларнинг сирини англашда китоб асқотади» деган қатъий қарорга келди.

## Бу ҳам рубоб чалишни ўрганишдай гап

Китоб мутולהаси маънавиятнинг бойитади, тафаккурни теранлаштиради, воқеаларни таҳлил қилишни, дунёга очиқ кўз билан қарашни ўргатади. Бироқ мутולהанинг нозик жиҳати шундаки, дунёдаги китобларнинг ҳаммасини ўқиб бўлмайди. Бунинг имкони йўқ, қолаверса, умр ҳам етмайди.

Шу боис дунё тажрибасида мутולהани ривожлантиришнинг янгича йўналиши учрайди. Масалан, Европа мамлакатларида бошланғич синфдан юқори синфларгача махсус мутולהа курслари ўқитилади, ўқувчилар уларда китоб ўқиш санъатини эгаллайдилар. Шу ўринда айтиш жоизки, мутולהа ҳам, мутולהага ўргатиш ҳам ўзига хош санъат. У ҳам, масалан, Европа ҳамма мамлакатларида бошланғич синфдан юқори синфларгача махсус мутולהа курслари ўқитилади, ўқувчилар уларда китоб ўқиш санъатини эгаллайдилар. Шу ўринда айтиш жоизки, мутולהа ҳам, мутולהага ўргатиш ҳам ўзига хош санъат. У ҳам, масалан, Европа ҳамма мамлакатларида бошланғич синфдан юқори синфларгача махсус мутולהа курслари ўқитилади, ўқувчилар уларда китоб ўқиш санъатини эгаллайдилар. Шу ўринда айтиш жоизки, мутולהа ҳам, мутולהага ўргатиш ҳам ўзига хош санъат. У ҳам, масалан, Европа ҳамма мамлакатларида бошланғич синфдан юқори синфларгача махсус мутולהа курслари ўқитилади, ўқувчилар уларда китоб ўқиш санъатини эгаллайдилар.

Бизда ҳам Халқ таълимий вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу борада ўйлаб кўрса, руҳунослар, социологлар ва кутубхона ходимларини мутולהа тарғиботига жалб этса айни муддао бўлар.

ди. Компьютерлаштириш ривожланган ҳозирги даврда бу жуда муҳим. Чунки мутолаа маданияти, китобни танлаб ўқишни ўргатиш жуда катта масала. Бир вақтлар саводсизликни тугатишда ҳарф танишни ўргатиш етарли бўлган. Аммо бу бугун етарли эмас. Ҳозир ҳамманинг саводи бор. Лекин мутолаа бора-сида бундай деб бўлмади.

#### Ўзини топса, ўқийди

Яна бир гап. Сеvimли ёзувчимиз Саид Аҳмад «Болалар учун ёзаётган ёзувчи то ўша асар тугамагунча бола бўлиб турмаса – бу китобни ҳеч ким ўқимайди. Бир ўқийди-ю ташлаб юборди» деган эди. Чунки бола китобни ўқитганда ундан ўзини қидиради. Қаҳрамон билан ўзининг фазилатларини беҳтёр таққослаб кўради. Бошқа бола қиёфасида ўзибоп гаплар, ўзига маъқул келадиган фикрлар бўлса, ана шу қаҳрамонга интилади. Бугун дунёда китоб ҳақида айтиладиган гап битта: «Ким ўқийган китобидан ўзини топа олса, мазза қилиб ўқийди». Демак, бугун болалар адабиётга алоҳида эътибор керак. Миллий қадриятларимиздаги буюкликни болалар адабиётга қўчириш лозим. Ойбекнинг «Навийнинг болагини» қиссасидан бошқа буюк аждодларимизнинг болагини ҳақида ёзилган бирорта асарни топиб беринг-чи?

Донишмандларнинг «Китоблар бизнинг энг содиқ дўстларимиздир. Улар бизни алдамайди, ёнимизда туради, чорасизликда ташлаб кетмайди» деган сўзлари дунёда китобчилик ҳолис маслаҳатчи йўқлигини англатади. Китоблар ўқитади, ўргатади, қийналганимизда йўл топиб беради. Бироқ ҳеч вақт ҳеч нима тама қилмайди. Айниқса, маъзи тўқ, юксак савияли, мазмунан пухта ва чиройли безатилган китоб ҳар қандай одамни ўзига тартади.

Давлатимиз раҳбарининг китобхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. У кишининг ташаббуси билан китобхонлик танловлари ўтказилапти, ҳатто ғолиблар автомашина ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланапти. 2019 йил 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бешта муҳим ташаббусни илгари суриш асносида болалар ўртасида китоб мутолаасига меҳрни кучайтириш мақсадида ҳар бир раҳбарни ўзи ўқиган мактабга китоб совға қилишга даъват этгани ҳам бежизга эмас.

Ҳа, китоблар улкан фикр кемаларидир. Фикр денгизига шўнғиб, ундан жаҳоир олиб чиқишимизда китобларнинг ўрни беқийс. Китобдан узоқлашиш эса қалбни чўлга айлантириш билан баробар. Орол денгизининг қуриган қисмида пайдо бўлган тўз саҳраларидан мунғайиб қолган кемаларни бир эсланг...

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«НУҚУҚ»

# «МУШУКНИ НЕГА ЎЛДИРДИНГ?»

...Тўйдан атиги бир ҳафта ўтгач, уйда қуюқ зиёфат бўлди. Келинчак елиб-югуриб хизмат қилар, қайнонасининг ноёб зотли, жуни товланувчи сеvimли мушуги унинг оёқларига суйкаларди. Келиннинг меҳри ийиб кетди, арзанда мушукнинг алоҳида емиши борлигини билса-да, қўй гўшти ва думба солинган иккита мантини олдиға ташлади: «Шунча зиёфат бўлади-ю, сен бўтқа ейсанми?! Ол бунин!».

Эрталаб қайнонанинг чинкириги бутун маҳаллага ёйилди. Ноёб зотли мушук ўлиб қолган, идишида эса овқат қолдиқлари ётарди...

Аёлнинг фиғони фалакка чиқди. Ношуд келин кўзига жуда ёмон кўриниб кетди. Қайнота-ю ўғилнинг гапи ерда қолди, бечора келин ҳайдалди. У ота уйидаги мушуги мантини хуш кўриб егани учун, қолаверса, жониворни азбаройи яхши кўриб кетганидан таом берганини айтса-да, бу қайнонанинг кўнглини юмшатмади. Маҳалла, кўни-қўшни, қариндош-уруғ ўртага тушса ҳам оёқ тираб туриб олди: «Мушугини нега ўлдирди? Шунини менга тушунтириб берсин!».

Оилавий жанжаллар тахлил қилинганда келиншомчиликка

куракда турмайдиган баҳоналар сабаб бўлаётгани ойдинлашди. Арзимаган баҳона оилани парчалаб, болалар тақдирини бошқа ўзанга буриб юбориши ҳам ҳеч гапмас. Ачинарлиси, «Овқатни бемаза пиширади», «Дазмол қилишни билмайди», «Имиллаб иш қилади», «Уйни чала супуради» каби важлар келинларни ҳайдаш учун «етарли асос» бўлиб бормоқда. Ахир булар жиддий айб эмас, тўғриласа бўладиган камчиликлар-ку. Келин ҳам бир ниҳол, янги жойда кўниқиб илдиш отгунча меҳр ва парваршига муҳтож.

Баъзан эса оқ-қорани таниган, фарзандлари улғайиб қолган эр-хотинлар ҳам муро-сага келолмай қолишади. Мустақил ҳаётга учирма бўлаётган ўғил-қизининг келажаги учун

хар иккисининг кўмаги бирдек зарур бўлиб турган пайтда ўзларининг ҳаёти остин-устун бўлиб кетади.

— Яқинда маҳаллада бир оиладаги жанжал сабабларини ўргандик, — дейди **Хоразм вилояти Богот туманидаги Ашхобод маҳалласининг яраштириш комиссияси аъзоси Ширин Эгамова**. — Эр-хотин қирқни қоралаган. Жанжалга сабаб – тўнғич фарзанднинг олий ўқув юртига кира олмагани. Эркак бундан жаҳлга минган ва она-болани ўласи қилиб қалтаклаб, уйдан ҳайдаб юборган. Эр билан хотинни-ку насихат қила-қила яраштирдик. Аммо қирқка кирса-да, оталик масъу-лятини тушунмайдиган кимсалар борлигидан ачинасан. Тўғри, фарзандларини ўқимишли, касб-корли қилиш – оталик бурчи. Аммо ўқишга кира олмаслик ҳам катта фожиа эмас-ку? Пайгамбаримиз (с.а.в.) фарзандаг аввал илм бериш, илмга рағбат бўлмаса хунарга қизиктириш, ундан ҳам бир иш чиқмаса зи-

роатчиликни ўргатишни айтганлар. Боланинг қизқишидан келиб чиқиб касб танланса, ҳам унинг ўзига, ҳам жамиятга фойдаси тегади. Шундай экан, ширин ҳаётни мураккаблаштириш, ортиқча муаммолар туғдиришнинг нима кераги бор?!

Шу ўринда қарс икки қўлдан чиқишини ёдга олмоқ керак. Аслида оилани мустаҳкамлаш жуда катта қаҳрамонлик талаб этавермайди. Ўзаро ишонч, муро-саи мадора, бир-бирини анайлаш ва ўрни келганда бироз босиқлик фаровон турмуш асоси, оилани асраш тилсимидир. Баъзи келинларнинг телефонга михлангани, муомала маданияти пастлиги, кўрслиги турмуш курганидан сўнг турли муаммоларга замин яратишини ҳисобга олсак, қиз бола тарбиясига эътибордорлик бўлишимиз керак. Зеро, қиз тарбияси, феъл-атвори оиладаги мухитни рўйи рост акс эттирувчи ойнадир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,  
«НУҚУҚ»

JINOYAT VA JAZO

## СИГАРЕТ УЧУН ИККИ ЖОН

**Инсон улуг ва мукаррам қилиб яратилган. Шунинг учун бегона инсонни ўлдирш ҳам ўз акаси ёки укасини ўлдирш билан баробар. Яратганининг ҳузурда мўминни ўлдирш энг оғир гуноҳ бўлиб, қиёматда қотилнинг ҳоли вой бўлади. Пайгамбаримиз (с.а.в.) «Қиёмат куни бандалардан сўраладиган савол-жавобнинг биринчиси ноҳақ тўқилган қон тўғрисида бўлур» дея марҳамат қилганлар. Шундан англаш мумкинки, ноҳақ одам ўлдирш оддий гуноҳ эмас, жуда оғир гуноҳдир.**

Фарғоналик уч йигитнинг бундан хабари йўқ эди дея олмаймиз. Чунки улар нима савоб, нима гуноҳлигини англайдиган ёшда эдилар. Уларнинг энг каттаси 28, қолган иккиси 23 ёшга кирганди.

Йигитларнинг бири Соҳиб Очилдиев марҳум Ф.Холиқовнинг уйидаги қурилишда ишлаганди. У Ф.Холиқовнинг тадбиркорлик билан шугулланишидан, ўзига тўқлигидан хабардор эди. Унинг хонадонидаги ишлар тугаганидан сўнг С.Очилдиев бошқа жойда иш бошлади. Ўша пайтларда у дўсти Муҳаммад Рустамовни ёрдамга чақиради. Бахтга қарши Ф.Холиқов шу куни М.Рустамов ва С.Очилдиев ишлаётган хонадонга кириб келди. Усталарга раҳбарлик қилаётган Олим аканинг ёнига келиб, «Қўқонда бирорта сотиладиган уй бўлса, хабарини беринг, оламан» дейди. Бу гапни эшитган М.Рустамовнинг дарров нияти бузилди. Шу куни кечга бориб, жиний режасини С.Очилдиевга айтди.

— Қўқондаги уйларнинг нархи 80 минг доллардан кам эмас,

— дея гапни узоқдан бошлади М.Рустамов. — Келган одамнинг 80 минг «қоғози» бўлса керак, уй суриштираёпти, танийсанми?

С.Очилдиев ҳам Ф.Холиқовни танишини айтиб, йўл-йўлакай унинг уйини ҳам кўрсатади. Шундан сўнг М.Рустамов қарзи кўпайиб кетганини, ҳатто электр ҳақини вақтида тўламагани учун хонадони чирогини ўчириб кетишганини айтиб, нолийди. С.Очилдиевга шу уйга ўғирликка тушса, бу муаммоларни тезда ҳал қилиб олишини айтиб, уни ҳам шерик бўлишга таклиф қилади. Дастлаб бу таклифга кўнмаган С.Очилдиев кейинроқ рози бўлади. Улар бу ишга таниши Фарҳод Тойировни ҳам шерик қилиб олишади.

Учови бир неча кун Ф.Холиқовнинг уйини кузатиб, режа тузишади. 2020 йил 6 январь куни тунги соат 1:30 ларда М.Рустамов, Ф.Тойиров ва С.Очилдиев Ф.Холиқовнинг ҳовлиси деворидан ошиб тушадилар. Улар никоҳ ва қўлқоп қийиб, скотч, аркон ва иккита пичок билан қуролланиб олишган эди. Вазиятни кузатиб туриш мақсадида С.Очилдиев



ҳовлида қолади. М.Рустамов ва Ф.Тойиров эса уйга кириб, ётоқхонага ўтишади. М.Рустамов дастлаб тўшакнинг бир томонида ётган одамга пичок уради. Зарбадан уйғониб кетган инсон хонадон эгасининг турмуш ўртоғи эди. У туришга ҳаракат қилган пайтда М.Рустамов унга яна бир неча марта пичок уради. Сўнг шовқиндан уйғониб кетган Ф.Холиқовга ҳам бир неча марта пичок уриб, жароҳатлайди. Уй эгалари жароҳатларига қарамай босқинчиларга қаршилик кўрсата бошлаганида М.Рустамов ва Ф.Тойиров эр-хотинни шафқатсизлик билан ўлдиршади.

Шундан сўнг улар уйдан пул қидириб топа олишмагач, олти дона сигарети қолган қути ва ёндиргични олиб чиқиб кетишаётганда уйда яна бир ётоқхона борлигини кўриб, унинг эшигини очишади. У хонада болалар ухлаётганини кўриб, у ерга қирмасдан, ҳовлига чиқишади. Иккови у ердаги «Genta» ав-


томашинасидан ҳам пул топа олишмагач, дарвозани очиб чиқиб кетишади.

Бу воқеадан сўнг Ф.Тойиров Қозоғистонга, С.Очилдиев эса Россияга кетади. Орадан ўтган бир неча кун мобайнида М.Рустамовнинг кўзига ҳар хил шарпалар кўриниб, тинчлиги йўқолади. Шундан сўнг у ИИБга бориб, бўлган воқеани айтиб, айбига иқдор бўлади. Тез фурсатда М.Рустамовнинг хориждаги шериклари ҳам ушлаб келинади.

Мақзур ҳолат жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судида кўриб чиқилиб, айбдорларга нисбатан ҳукм ўқилди. Унга қўра М.Рустамовга умрбод, Ф.Тойировга 25 йил, С.Очилдиевга эса 23 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Рустам ИБРАГИМОВ,  
Бош прокуратура бошқарма  
АМИБ терговчиси

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро ҳалқа йўли «Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги» деб номланади.



# ЙПХ КОМАНДИРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Машинангизда кетаяспиз. Қоидани буздингиз. ЙПХ ходими тўхтатди ва баённома расмийлаштирмоқчи бўлди. Сиз унга илтимос қила бошладингиз ва имо-ишора билан рози қилиб кетишингизни тушунтирдингиз. У кўнди ва пулингизни олиб сизни қўйиб юборди. Шу пайтда у билан келиша олгангиздан хурсанд бўлишингиз тайин. Ҳатто ЙПХ ходими сизга яхшилиқ қилганини давраларда айтиб ҳам юрасиз.

**Б**орди-ю вазият аксинча бўлса-чи? ЙПХ ходими илтимосингизга кўнмай баённомани расмийлаштирди. Сиз энди каерда ЙПХ ходимларидан гап очилса «Қўлига тушсанг ёзиб юборади, пул ҳам олмайди, илтимосингга ҳам кўнмайди» деб ўша ходимни ёмонлаб юрасиз. Лекин ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, сизнингча шу икки ҳолатнинг қайси бири тўғри?

Фуқаро Аброр Болтаев аввалига биринчисини тўғри деб ўйлаган эди, аммо кейинчалик

унинг виждони уйғониб, иккинчисини танлади.

А.Болтаев 2020 йилнинг 12 июнь куни спиртли ичимлик ичиб машина ҳайдади. У Юқоричирчик тумани худудидан ўтаётганда Тошкент вилояти ИИББ ЙҲХБ инспектори Ф.Усмонов уни тўхтатади. Шунда А.Болтаевнинг спиртли ичимлик ичиб автомобиль бошқараётгани ошқор бўлади. Инспектор мазкур ҳолат ҳақида баённома расмийлаштириб, автомашинани жарима майдо-

нига қўяди. Баённомани гуруҳ командири Расулжон Тўхтасиновга топширади.

Жарима майдонида эса юқоридоги каби А.Болтаев командирга имо қилишни бошлайди. Нафси устун келиб, Р.Тўхтасинов унинг илтимосига кўнади. Шундан сўнг улар бафуржа келишиб олишади. Хуллас, командир 400 доллар эвазига А.Болтаевнинг қоидабузарлигини «ёпиб» берадиган бўлади. Шу куннинг ўзидан ундан 100 доллар олиб, машинани жарима

майдонидан қўйиб юборади. Қолган 300 долларни олгандан сўнг қолган ҳужжатларини ҳам қайтариб беришини айтади.

Эртаси куни Р.Тўхтасинов А.Болтаевга кўнғироқ қилиб, қолган пулни тезроқ беришини талаб қилади. Шу куни тушдан кейин А.Болтаев командирга кўнғироқ қилди ва 300 долларни тахт қилиб, Чиноз туманида қутаётганини айтади. Р.Тўхтасинов у айтган маъносида бориб, 300 доллар пулни пора тариқасида олган вақтда депар-

таментнинг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани судида бўлиб ўтган мажлисда Р.Тўхтасинов айбига иқдор бўлди. Унга суд ҳукми билан 2 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ушбу воқеадан хулоса қиладиган бўлсак, кўпчилигимиз порахўрликни йўқотиш керак деймизу, лекин ишимизни тезроқ битириш учун аксарият ҳолларда пора таклиф қиламиз. Қонун устувор бўлишини хохлаймиз, аммо уни биринчи бўлиб ўзимиз бузамиз. Жамиятда порахўрлик йўқолишини хохлайсизми, унда қонунни бузманг.

**Ўқтам МАМАТРАИМОВ,**  
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси сурштирувчиси

## «ҲОТАМТОЙ» ҲИСОБЧИ

*Жиноят ишлари бўйича Янгйқўрғон тумани судида Исковот озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Р.Б.нинг жиноят иши кўрилди.*

**Д**авлат маблағи ишониб топшириб қўйилган шахслар ўз ишига пухта, етти ўлчаб бир кесадиған бўлиши шарт. Бюджет маблағига масъул бўлган ҳисобчилар айниқса буни зинҳор унутмаслиги керак. Р.Б. эса мансабини суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл урди.

2015-2018 йилларда икки ҳолатда коллежнинг 6 нафар ходимига 5 млн. 707 минг 602 сўм ортиқча иш ҳақи тўлади. Шундан 468 625 сўми ўзига тегишли эди. Яна бир ҳолатда 6 нафар ходимга 468 625 сўм иш ҳақини, 50 нафарига эса меҳнат таътили пулини ҳисоблашда 3 млн. 536 минг 560 сўмини ассосиз равишда ортиқча тўлаб, жами 9 млн. 712 минг 787 сўм маблағни талон-торож қилган.

Шуниингдек, яна шундай ҳолатга йўл қўйиб, 75 нафар ходимнинг пластик картасига иш ҳақи ҳисобидан аванс туширишда 8 млн. 530 минг 279 сўмни ортиқча тўлайди. Уддабуронликни қарангки, бирон марта ўзини «унутмайди». Юқоридоги сумманинг 1 млн. 483 минг 331 сўмини ўзига ўтказгани ҳам бунга далил.

Навбатдаги уринишда 52 та ходимга иш ҳақи ҳисобидан 7 млн. 261 минг 22 сўмини тўлашда хатога йўл қўяди.

Бош ҳисобчи шу билан кифояланмайди. Коллеж директори билан тил бириктириб, 2017-2018 йилларда 11 нафар ходимга 6 млн. 813 минг 798 сўм моддий ёрдам пулини ҳеч бир асослантурувчи ҳужжатсиз тўлайди.

Шу тариқа мукофот пуллари, иш ҳақи, ўрнатма кўрсатган ходимларни рағбатлантириш борасидаги тўловларда ҳам янглиш йўлдан борди. Ҳатто аксарият ҳолларда ўтилмаган дарслар учун ҳам ҳақ тўлаб, давлатнинг жами 44 млн. 160 минг 258 сўм маблағи растрата қилинишига йўл қўйди.

«Ҳотамтойлик»нинг жавобини беришга келганда эса эътиборсизлик қилгани, қилмишидан пушаймонлигини айтишдан нари ўтмади.

Суд унга жазо тайинлашда етказилган зарар тўлиқ қопланганини инобатга олди. У Жиноят кодексига мувофиқ бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларидан ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди.

Ҳисобни билмаслик инсонни ана шундай адаштиради. Бунинг ниҳояси эса асло хайрли бўлмаган.

**Аброрбек ДЖУРАЕВ,**  
департаментнинг Янгйқўрғон тумани бўлими инспектори

## КАЛАВАНИНГ УЧИ АЁЛДА

*Таркибида наркотик моддалар бўлган ҳамда психотроп дорилар савдосига чек қўйиш тадбирида қўқонлик 30 яшар Ж.М. ушланади. Унинг «Нексия» автомашинасининг олд ўриндиқлари орасида таркибида наркотик модда бўлган 9 та «Трамадол» ва 2 та «Тропикамид» дориси олинади. Суриштирувда Ж.М. ушбу дориларни ярим йилча аввал «Ақфа» эшик-ром ясашга буюртма берганида танишган М.У.дан олиб туришини айтади.*

**У**нинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда 34 ёшга кирган, илгари судланган М.У. бировнинг автомашинасида Ж.М.га 50 та «Трамадол» дорисини 250 минг сўмга сотиб, 20 тасини бериб, қолган 30 тасини кейин берадиган бўлиб автомашинадан тушганида ушланади. Унинг ёнида «Тропикамид» ва «Прегабалин» дориси, 17 дона «Трамадол», 4 та «Лугиса» номли капсула, 827 минг сўм пул ва 5 АҚШ доллари олинади.

М.У.нинг Данғара шаҳридаги ошхона офиси кўздан кечирилиб, сигарет қутисига наша, елим идишда «Тропикамид» дориси, темир сейфидан 280 та «Трамадол», 8 дона «Regaren», 20 та «Лугиса» дориси ашёвий далил тариқасида олинган. У бу дориларни ўзи истеъмол қилишини, Ж.М.га сотганини тан олиб, уларни бир ташиш аёлдан олиб туришини айтди.

Тадбир давом эттирилди. 40 ёшга кирган, илгари судланган, 3 йил синов муддатини ўтаётган 2-гуруҳ

ногирони 3.М.нинг Қўқондаги уйи ҳолислар иштиракида кўздан кечирилиб, 160 та «Трамадол», 26 дона «Regaren», 7 та «Lugisa», 65 дона «Arab Viagra» дориси сотиш мақсадида сақлаб келинаётгани аниқланди ва ашёвий далил сифатида олинди.

Кишини гиёҳвандлик дардига мубтало қилувчи дориларни пинҳона сотиш билан шуғулланган шахсларга нисбатан суд ҳукми ўқилди. Айбига иқдор бўлган Ж.М.га 3 йил озодликни чеклаш, тақоран жиноятга қўл урган М.У.га 6 йил, 3.М.га 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, жазони ўташ давомида Ж.М. ва М.У.га гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволаниш чораси қўлланилган бўлди.

**Талъатбек ТУХТАСИНОВ,**  
департаментнинг Данғара тумани бўлими бошлиғи

## ТЕКИН ТЕШИБ ЧИҚДИ

*Бугун тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳам ўзига, ҳам жамиятга наф келтираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ўрнига айримларнинг йўқ жойдан муаммо туғдириб, бир нимали бўлиб қолишга уринаётгани мамлакатимиздаги ислохотларга салбий таъсир ўтказмоқда.*

**Д**епартаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва Хонқа тумани бўлими ҳамкорликда ўтказган тадбирда ана шундай ҳолатга чек қўйилди.

Хонқалик Й.Х. тумандаги фермер хўжаликларнинг бирида иш бошқарувчи бўлиб ишлаб келган. У хўжалик раҳбарининг рухсатсиз фермер хўжалигига қарашли 8 гектар ерни фуқаро Ш.С.га 27 миллион сўмга сотишга бел боғлаган.

Ноконуний ҳаракатдан норози бўлган фуқаро ушбу жиноятга барҳам бериш мақсадида департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига мурожаат қилди.

Унинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда Й.Х. 8 гектар ер эвазига Ш.С.дан 27 миллион сўм пулни фирибгарлик билан олаётганда ашёвий далиллар билан ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан Ш.С.га нисбатан қонуний тартибда жазо тайинланди.

**Бунёдбек БОЛТАЕВ,**  
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

## ВАЛЮТАФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

*Ҳалоллик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Аммо орамизда қонунларга чап бериб, кўча-кўйда хорижий валютани алмаштиришни касб қилиб олганлар ҳамон учрамқода.*


**Б**ош прокуратура ҳузуридаги департамент ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирларда ана шундай қонунбузилишларни содир этаётган кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда.

Шундайлардан бири Санъат Абриев (исм-фамилияси ўзгартирилган)дир. У қонунга зид равишда валютафурушлик билан шуғулланиб келган.

2020 йилнинг 3 март куни соат 13:30 ларда фуқаро Б.Нарзиевга ҳар бир АҚШ долларини 9550 сўмдан баҳолаб, 10 минг долларни 95 млн. 550 минг сўмга сотишга келишади. Нурота тумани Амир Темур кўчасида ушбу олди-сотдини амалга ошираётган вақтида департаментнинг Нурота тумани бўлими ва ДХХ ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди.

Судда сўроқ қилинган С.Абриев айбига тўлиқ иқдор бўлган ҳолда кўрсатув берди. Унга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

**Сухроб АХМЕДОВ,**  
департаментнинг Нурота тумани бўлими бошлиғи



## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ...

2020 йилнинг 6 июль кuni Мажбурий ижро бюроси Тахтақўпир тумани бўлимига Нукус туманлараро иқтисодий судининг 23 июндаги қарорига асосан Тахтақўпир тумани халқ таълими бўлимида «Смартсистем Нукус» МЧЖга 104 млн. 943 минг сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган ва шу кuni ижро ишини юритиш тўғрисида қарор чиқарилган.

Дастлаб тарафларга мазкур қарорнинг нусхаси ва Тахтақўпир тумани халқ таълими бўлими раҳбарига огоҳлантириш хати юборилган. Лекин жавобгар тараф бир неча марта огоҳлантирилишига қарамадан қарзини тўламагани сабабли МЖТКнинг тегишли моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробари миқдорда жаримага тортилган ва бўлимига тегишли «Дамас» автомашинаси хатланган.

Шундан кейин 30 ноябрь санасида ХТБ «Смартсистем Нукус»га 104 млн. 943 минг сўм қарзини тўлик тўлади.

Шунингдек, бўлимида Чимбой туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан «Қораўзак тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасидан «Kgom-Azibek-Akbar» МЧЖга 493 млн. 81 минг 300 сўм қарз, 29,5 млн. сўм пеня, 5,2 млн. сўм бож ва почта харажати ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юритилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида ижро ҳужжати талабларини бажариш учун қарздорга 15 кун муддат берилган, лекин у бу талабни бажармагани сабабли ташкилотнинг банкдаги барча ҳисобрақамларига банд солинган.

Шундан кейин қарздор балансидаги мулкларни аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров юборилиб, корхонанинг балансида экскаватор борлиги аниқланди ва хатланди.

Шундан сўнг хатланган техникани онлайн аукционда сотиш орқали қарзини ундириш учун ҳужжатлар тайёрланаётганда қарздор корхона ижро ҳужжатида кўрсатилган барча қарзини тўлик тўлаб берди.

**Алибек КУАНИШОВ,**  
МИБ Қорақалпоғистон  
Республикаси бошқармаси  
катта инспектори



## ҚОИДАБУЗАРЛАР ИЗИДАН

2020 йил 24 ноябрь кuni давлатимиз раҳбарининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш бўйича Мажбурий ижро бюроси Сирдарё вилояти бошқармаси вилоят ИИБ ЙҲХБ билан ҳамкорликда маъмурий жарималар билан боғлиқ ижро ҳужжатларини кескин камайитириш режасини тасдиқлаган.

Шунга асосан вилоятнинг туман ва шаҳарлари марказий кўчаларида 60 кунлик муддатда жарималарни тўламаган транспортларнинг эгаларини аниқлаш ва жарималарни ундириш чораси кўрилмоқда.

24 ноябрдан шу кунга қадар бюронинг туман ва шаҳар бўлиmlари томонидан йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун тайинланган 687,4 млн. сўм жарима ундирилиши таъминланди.

Йил бошидан эса маъмурий жарималар билан боғлиқ 44 748 та ижро ҳужжати бўйича 10 млрд. 26 млн. 340 сўм ундирилди.

Ҳайдовчилар йўл ҳаракати қондасини бузгани учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олтинчи кун ичида жаримани тўламаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига асосан транспорт жарима майдонига қўйилиб, жарима тўлангунга қадар ушлаб турилади. Шу сабабли жаримани ўз вақтида тўламаган 500 нафардан ортиқ ҳайдовчига тегишли транспортлар жарима майдонига қўйилди.

Энди жарима бўйича ундирилган маблағ фармонга асосан алоҳида ғазначилик ҳисобрақами билан пропорционал тартибда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни қўллашга йўналтирилади.

**Шокир НАЗАРОВ,**  
МИБ Сирдарё вилояти бошқармаси катта инспектори

## ҚАРЗЛАР УНДИРИЛМОҚДА

**Бугун солиқ ва бошқа қарзларини тўлашни пайсалга солаётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Бу уларнинг ҳамкорларини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин.**

Мажбурий ижро бюросининг Навоий шаҳар бўлимига Кармана туманлараро иқтисодий судининг «Навоий савдо комплекси» АЖдан «Омонмурод барака» МЧЖга 300 млн. 627 минг сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.

Қарздор бир неча марта огоҳлантирилган, бироқ у давлатимизда карантин эълон қилинганини рўқач қилиб, суд қарорини бажаришдан бош тортиб келган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солиниб,

қарзини ундириш учун инкассо топшириғи берилган.

Натижада қарздордан 300 млн. 627 минг сўм ундирилиб, тадбиркорнинг ҳисобрақамига ўтказилди.

Шунингдек, «Каттақўрғон пахта тозалаш» АЖдан Каттақўрғон тумани солиқ инспекциясига қарзини ундириш белгиланган. Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солинган ва унга тегишли мулкларни аниқлаш мақсадида мутасадди идораларга сўров юборилган. Натижада Каттақўрғон тумани солиқ инспекциясига 775 млн. 960 минг сўм солиқ ундирилди.

**Улугбек ХАМИДОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги МИБ бўлим  
катта инспектори

## АЛИМЕНТ УЧУН 1000 ДОЛЛАР

**Фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг 2017 йил 3 январдаги ижро ҳужжатида асосан М.Обидовдан Ш.Обидовага қарамоғидаги вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ой топган даромадининг 1/4 қисми миқдоридида алимент ундириш белгиланган.**

Мазкур ижро ҳужжати юзасидан МИБ Булоқбоши тумани бўлими томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида алимент мунтазам ундирилган.

Ижро ҳаракатлари давомида М.Обидов фарзанди учун 1000 АҚШ доллар миқдоридида алимент пулини олдиндан тўлаб берди. Натижада Ш.Обидова бюронинг Булоқбоши тумани

бўлимига алимент бўйича ижро ишини тамомлашни сўраб мурожаат қилди.

Мурожаатга асосан алимент ундируви билан боғлиқ мазкур иш қонунда белгиланган тартибда тамомлониб, М.Обидовнинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳукуқи тикланди.

**Шерзод МАМУТАЛИЕВ,**  
МИБ Олтинқўл тумани бўлими  
давлат ижрочиси

## МАЖБУРИЯТ УНУТИЛСА...

**Мажбурий ижро бюросининг Термиз тумани бўлимига Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 15 сентябрдаги қарорига асосан «Термиз туман йўллардан фойдаланиш» УҚдан Термиз тумани давлат солиқ инспекцияси ва «Kapitala' tigrun» ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга 2 млрд. 752 млн. 666 минг 703 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари келиб тушган.**

Улар асосида мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилди ва қарздорга ихтиёрий муддат берилиб, қарзини тўлаши кераклиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Аммо, унитар корхона белгиланган муддатда қарзини тўламади. Шундан сўнг унинг мулкларни қўздан кечирилиб, битта «Howo» ва иккита «МАН» русумли юк машинаси хатланди ва бю-

ронинг туман бўлимига олиб келинди.

Корхонанинг банкдаги ҳисобрақамидан 160 млн. сўм пули ундириб олинди. Бироқ қолган қарзи қопланмагани сабабли 3 та юк машинаси белгиланган тартибда онлайн аукционга чиқарилди.

**Холмирза ҚЎЗИЕВ,**  
МИБ Термиз тумани бўлими давлат ижрочиси

## ОГОҲЛАНТИРИШ КОР ҚИЛДИ

**Мажбурий ижро бюросининг Бухоро вилояти бошқармаси органлари томонидан солиқ билан боғлиқ ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиш, қарздорларнинг ундирилиши мумкин бўлган мулкларини аниқлаш ва хатлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Вилоятда 1 декабрдан бюро органларидаги 357 млрд. 762 млн. 900 минг сўмлик 6245 та ижро ҳужжати тамомланган. Шундан 4302 та ҳужжат бўйича юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорларнинг ўз вақтида тўланмаган 151 млрд. 711 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари ундирилган бўлса, 100,4 млрд. сўмлик 4179 та ҳужжатни ижро этиш чоралари кўрилмоқда.

Бухоро шаҳрида яшовчи Л.Х. 26,6 млн. сўм мулк солиғи, 43,1 млн. сўм ер солиғини ўз вақтида тўламай келгани боис солиқ органи судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди мазкур аризани 2020 йил 26 ноябрда кўриб чиқиб, Л.Х.дан 69,8 млн. сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисида қарор чиқарган ва бюронинг Бухоро шаҳар бўлимига юборган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга асосан ижро иши қўзғатилган ва қарзини тўлаш учун Л.Х.га ихтиёрий муддат берилган. Қарздор ижро ҳужжати талабини белгиланган муддатда бажармаган тақдирда жаримага тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган.

Натижада Л.Х.дан 69,8 млн. сўмлик солиқ қарзи тўлик ундирилди ва ижро ҳужжати тамомланди.

**Илҳом ТУРСУНОВ,**  
МИБ Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

Тошкент шаҳар ҳокимияти соат 7:00 дан 10:00 гача ва 17:00 дан 20:00 гача юк машиналари ҳаракатини чеклаб қўйишни тақлиф этди.

# ЎН ТЎҚҚИЗ ЯШАР ФИРИБГАР

Суднинг 2020 йил 1 июндаги ҳукми билан Асадуллага (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 5 ой 19 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган. Маҳкум жазони ўтай туриб, атиги ўн икки кундан кейин яна фарибгарлик жиноятига қўл урган.

Коллежни битирган Асадулла Марғилон шахрининг Навоий кўчасидаги ҳовлида истиқомат қилади, ҳеч қаерда ишламайди. Савдогарга хос муомалани, ишонтириш санъатини пухта эгаллаган кўринади. Ишдаги ҳолатлар авраб пинжиги кириб ёки эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда гапириб, ҳар қандай одамни измига солиш «истеъдоди»дан ғаразли мақсадда фойдаланганидан далолат беради.

Судда унинг жиноий қилмишлари айбига иқролриги, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботланди. Асадулла 13 июнь куни соат кечки бешларда Фарғона шаҳри Хувайдо кўчасидаги қаҳвахонадан чиқиб кетаётганда, йўлни у юзидан ўйнаётган болаларни бирпас кузатиб туради. Болалардан бирининг қўлидаги телефонини алдаб олиш фикри туғилади. Унинг олдига бориб, «Телефонингизни бериб туринг, гаплашиб олай» дейди. Телефонда таксига буюртма беради. Кейин худди сўзлашишда давом этаётгандай қиёфада болалардан ўзқолашиб, қаҳвахона ёнида турган «Матиз» автомашинасига ўтиради. Хайдовчига «Марғилонга ҳайданг» дейди. Телефонни ўчириб қўяди. Марғилонга борганида сим картасини ташлаб юборади. Ўша таксидан ошнаси Элчиннинг ёнига отланади. Йўл-йўлақай, такси хайдовчисининг телефонидан унга кўнгирак қилади. «Сотиладиган телефоним бор, сотишга қарашворинг» дейди. Таксига йўлкира ҳам сўрайди.

Элчин уни Қирғули мавзесидаги «Нефтчилар» саройи ёнида кутиб олади. Ундан 50 минг сўм олиб такси хайдовчисига беради. Сўнгра Элчиннинг машинасида Марғилонга қайтиб боради. Телефон савдоси билан шуғулланадиган йиғишга ҳаққиқ баҳоси 1 млн. 800 минг сўмлик телефонни 600 минг сўмга сотиб юборади. Элчинга 50 минг сўм қарзидан ташқари, газ қуйдириб олиш учун 50 минг сўм пул беради.

Эртаси куни «Такси плюс» фирмасига кўнгирак қилиб, Фарғона шахрининг Қирғули мавзесидаги «Афросиёб» тўйхонаси ёнига такси чакиради. «Матиз» русумли таксидан таниши Сеторани уйига элтиб қўяди. Такси хайдовчисига «Ака, мени Марғилонга қариндошимникига олиб борасиз» деб йўл кўрсатиб кетади. Баҳрин маҳалласидаги уй олдида тўхтаиб, қийимларини алмаштириб чиқаман, деб ичкарга кириб кетади. Бироздан кейин қайтиб чиқиб, хайдовчидан телефонини бериб туришни сўрайди.

— Отамга кўнгирак қилиб оламан. Тезда чиқаман, — дея хайдовчининг «Samsung A 10 S» русумли телефонини олиб уйга кириб кетади. Хайдовчи 15-20 дақиқа кутади, чиқавермагач, уй эшиги олдида бориб чакиради. Уйдан чиққан одамга Асадуллани чакириб беришни сўрайди. У эса «Мен Раҳматулламан, бу уйда Асадулла деган одам яшайди, бу эшикдан кириб орқа эшикдан чиқиб кетгандир» дейди. Алданганини англаган хайдовчи уни уч кун қидириб топа олмагач, ИИБга ариза ёзиб беради.

Орқа эшикдан чиқиб кетган Асадулла Фарғона шаҳрида яшовчи таниши Бону исмли аёлга кўнгирак қилиб, «Samsung» телефонини сотишда ёрдам беришни сўрайди. Бону йўловчи машинада Марғилон шаҳри марказига етиб келади. Асадулла ўзимники дея ишонтириб берган телефонни савдо мажмуаси ертўлисидаги дўконларнинг бирига кириб 700 минг сўмга сотади. Дўкон сотувчиси ўз навбатида телефонни Амриддин исмли харидорга 1 млн. 50 минг сўмга сотиб юборади.

— Эртаси куни дўкон сотувчиси кўнгирак қилди, — дейди судда Амриддин. — Телефон ўғирланган экан, деди. Телефонни шаҳар ИИБга олиб бориб бердим. Судланувчининг қариндошлари менга зарарни қоплашди, 1 млн. 50 минг сўм беришди.

Такси хайдовчиси ҳам ИИБ ходимлари телефонини топиб беришганини айтиб, судланувчига даъвоси йўқлигини таъкидлади.

— Телефонимни ўғлим ўйнаб кўчага олиб чиқиб кетганди, — дейди жабрланувчи Х.Абдуҳафизова. — Бироздан кейин уйга кириб, битта одам кўнгирак қилиб олай деб олиб кетиб қолганини айтгач, ИИБга мурожаат қилдим. Ҳозир телефонимни қайтариб беришди. Судланувчига даъвом йўқ.

Суд такроран фарибгарлик қилган А.Қаҳҳоровга озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Унга тузалиш йўлига ўтиши учун яна бир бор имкон берилди.

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI



## ОҚ ХАЛАТДАГИ ДОҒЛАР

Гулноза (исмлар ўзгартирилган) фарзанд кутаяпти. Аёлнинг биринчи ҳомиласи уч ойлигида нобуд бўлгани, шу боис иккинчисини авайлашга уринаяпти. У тез-тез поликлиникага кўриққа бориб, врачларнинг тавсияларига тўлиқ амал қилиб келаётганди.

Ҳомиладорликнинг сўнгги ойлари эди. Гулнозанинг қон босими кўтарилиб, беш кун шифохонада даволаниб чиқди. Икки ҳафталардан сўнг яна тоби қочди.

Эрталаб қайсинглиси билан бирга туман тиббиёт биришмасига келди. Бу ерда уларни ҳомиладорлар паталогия бўлимида акушер-гинеколог бўлиб ишлайдиган Вазира кутиб олди. Ўша куни Гулноза шифохонага ётқизилди. Бирок у шифо топмади, ахволи оғирлашиб, ҳаётдан кўз юмди.

Суд мажлисида Гулнозанинг турмуш ўртоғи Карим шундай деди:

«Гулноза билан 2015 йилда турмуш қурган эдик. У биринчи фарзандимизга ҳомиладор бўлганида тахминан уч ойлик ҳомиласи тушиб қолди. Иккинчи ҳомиласида ахволи яхши эди, биронта касалликдан шикоят қилмаганди. Тез-тез поликлиникага бориб, врачлар кўригидан ўтиб турди. У бирон-бир касаллик билан оғирмаган. Ҳомиладор бўлгандан кейин ҳам соғлиғидан шикоят қилмаган, соғлом, бақувват эди. 2019 йил ноябрда қон босими кўтарилгани учун туман шифохонасида беш кун даволаниб чиқди. 29 ноябрь куни поликлиникага навбатдаги тиббий кўриққа борганида врачлар текшириб, яна қон босими ошгани учун шифохонада даволанишни тавсия қилган. 30 ноябрь куни Гулноза синглим билан туман тиббиёт биришмасига боришди. Хотинимни текшириб кўриб, туғуруқ бўлимига ётқизишган.

Хар куни ҳолидан хабар олиш учун шифохонага келиб турдим. 3 декабрь куни Гулноза телефон қилиб, бола қорнида нобуд бўлганини айтди. Шу заҳоти шифохонага келдим, уни даволаётган Вазира деган врачга «Бола ўлган бўлса ўзига зиён етказмасин, операция қилиб олиб ташланглар, ўзи соғ-омон қолса бўлди» дедим. Лекин врач рози бўлмади, таблетка бериб туғдириб олишини айтди. Кейин ёзган дориларини олиб келдим. Гулноза икки кун иккита таблеткани оғизига солиб сўрди, учинчи куни таблеткани оғизига солганида кўнгли айниб қуса бошлади. Врач ўзи шунақа бўлишини айтди. 6 декабрь куни хотинимнинг ахволи оғирлашиб қолди, қон қусди. Шу куни кечаси болани табиий йўл билан туғдириб олишди.

Гулноза ўша пайт бироз ўзига келиб, эрталабга бориб яна оғирлашаверди. Туққандан сўнг умуман овқат емай кўйди, кўнгли беҳузур бўлиб қайт киши тўхтамади. Даволовчи шифокорга бир неча марта хотиним қийналаётганини айтиб, ёрдам беришни илтимос қилдим. Лекин у киши гапларимга эътибор бермади.

Томоғидан ҳеч овқат ўтмай қолгандан кейин лор шифокорни чакиринди, у киши текшириб кўриб, томоғидан қалқонсимон безлари ёрилганини, қувур орқали овқат беришни айтди. Кейин рухшunos текширди. У киши руҳияти бузилмаганини айтди. Хотинимнинг ахволи тобора ёмонлашаверди. Вилоятдан малакали врачлар чакирини илтимос қилдим, лекин гапимга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳеч бўлмаса махсус автомашинада шаҳарга олиб кетишни, харажатларини ўзим тўлашимни айтдим. 9 декабрь куни хотиним жуда оғирлашиб қолди, шаҳарга олиб кетаман дедим. Даволовчи врач рухсат бермади. 10 декабрь куни Гулнозанинг туманда соғайишидан умид уздим. Шифокорларнинг қаршилигига қарамай, шаҳарга олиб кетаман дедим. Улар мендан ўз розилигим билан олиб кетаётганим тўғрисида тилхат ёздириб олди. Шу куни шахсий машинада хотинимни шаҳарга олиб кетаётганимда йўлда вафот этди.

Даволовчи врачга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўрайман.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги РСТЭИАМнинг ҳулосасида Гулнозанинг ўлими даволоччи шифокор томонидан кўрсатилган тиббий ёрдамда аниқланган камчиликлар, яъни туғруқ тақтикаси тўғри танланмагани, ҳомиладорнинг ахволига тўғри баҳо берилмагани ҳомиладорнинг ахволига сезилари таъсир ўтказгани ва беғорнинг ўлимига сабаб бўлгани, вақтида диагностика ва асоратлар профилактикаси қилинганда ҳомиладорнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлганлиги кўрсатилган.

Вазира хавфли рецидивист ҳисобланиб, илгари ҳам судланган, 2 йил тиббиёт соҳасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазовимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган эди. Бу жазолардан муддатидан илгари шартли озод қилинган Вазира ҳаттоларидан сабоқ олиш ўрнига яна вазифасига масъулиятсизларча муносабатда бўлди.

Суд Вазирага нисбатан 2 йил 1 ой тиббиёт соҳасида акушер-гинеколог вазифасида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 2 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шермат ДЖУМАЕВ,  
Каттақўрғон шаҳар прокурори

Авазбек ЮСУПОВ,  
Олтиариқ тумани прокурори

10

24-ДЕКАБР 2020-Ҳ.  
ҲИҚУҚ № 51  
(1248)

Ўзбекистонлик дастурчилар гуруҳи – UIC Games Амир Темур ҳақидаги «Мангу саркарда» номли биринчи тарихий ўйинни намоиш қилди.

«Уша куни Б.Бакиров уйимизга келди ва ётоқхонага кириб кетди. Лекин у ётоқхонада нима иш билан шуғулланганини билмайман», – деди қиз.



## «ИЖАРА ПУЛИНИ ТЎЛАШГА ҚИЙНАЛИБ, ШУ ИШНИ ҚИЛДИМ...»

Бу сўзлар суд мажлисида кўшимча гувоҳ сифатида катнашган З.Ақобирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган)га тегишли. Қиз судланувчи Н.Қодирова унинг онаси экани, Яккасарой туманидаги хонадонлардан бирида онаси, синглиси ва укаси билан бирга ижарада туришини айтди. Қизнинг кўшимча қилишича, ижара уйда яна беш қиз ҳам яшаган, улардан бири 2003 йилда туғилган... Савол туғилади: З.Ақобированинг онаси нега судланмоқда, беш қизнинг тирикчилиги ниманинг ортидан эди?

Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судида кўрилган иш жараёнида мазкур саволларга жавоб топилди. Тафсилотлар кийинчи ачиниб, афсусланиш хиссини уйғотади. Чунки турмушдан ажрашган, уч фарзанднинг онаси Н.Қодирова ҳалол йўл қолиб, ҳаром йўлни

ташлаган, фоҳишалик ва кўшмачиликни одат қилган. Бунинг учун баҳонаси ҳам тайёр. «Яккасарой туманидаги хонадонни ойнага 500 АҚШ долларидан ижарага олиб, фарзандларим билан яшай бошлагач, карантин бошланиб, ижара пулини тўлашга қийналдим. Шу боис март ойининг ўрталарида бир неча қизни ижара пулини тўлашга ёрдамлашсин деб уйга киритдим», – дейди аёл. Бу ҳақида уй эгасини огоҳлантирмадан, тунги капалаклар «фаолият»ни бошлаб юбориб, аёл учун ўлимдан-да оғир бўлган номусларини иккиланмай пуллаб бошлади.

Бир сафар, яъни 2020 йилнинг 19 март куни аёлнинг телефонида Ботир исмли таниши кўнғирок қилади ва улар интим хизматлар нархини келишиб олишади – тўрт-беш соат учун 100 доллар. Ушанда Ботир

шериги билан келиб, аёлга келишилган пулни беради. Аммо аёлда купоранинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган, Ботир 50 доллар ва 350 минг сўм пул беради. Н.Қодирова пулни олган, орадан кўп ўтмай унинг олдида ИИБ ходимлари келиб, ўзларини таништиришади. Пуллар ҳолислар иштирокида хужжатлаштириб олинади.

Бундан ташқари, Н.Қодировага ўзини Озодбек деб таништирган Б.Бакиров ҳам кўнғирок қилиб, «ҳолис хизмат»га муштоқлигини айтиди. Яккасаройдаги манзилни топиб келган мижоз ўзига таклиф этилган қизни кўргач, «Бошқа қизлар йўқми?» деб сўрайди. Аини вақтда уйда яна тўрт қиз фоҳишалик билан шуғуланарди...

Интим хизматлар учун Озодбек берган 300 минг сўм пулни ошхонадаги гилам таги-

га кўйган Н.Қодирова мижоз бемалол дам олиши учун фарзанди билан кўчага чиқиб кетади. Орадан 40 дақиқалар ўтган, уйга ИИБ ходимлари ҳолислар билан бирга кириб келишиди.

Аёл судда ҳаммасини тан олди, моддий жиҳатдан қийналганини ва хонадоннинг ижара пулини тўлаш учун бундай жирканч ишга қўл урганини, қилмишидан пушаймонлигини айтди. Қарамоғида уч фарзанди борлиги туфайли суддан енгиллик сўради.

Суд судланувчига тўрт йил муддатга озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Бу орада Н.Қодирова аёл шаъни ҳақида етарлича ҳулоса чиқариб олса ажабмас.

**Нодир РУСТАМОВ,**  
Учтепа тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

## ХОРИЖДА ИШ БОР ДЕСА...

Яхши пул топиш учун хорижда ишлаш ниятидаги кишилар кам эмас. Аммо бу борада хушёрроқ бўлиш керак. Акс ҳолда фирибгарларга алданиб қолиш ҳеч гап эмас.

Андижонлик Ф.Бурхонов илгари ҳам фирибгарлик қилиб, судланган эди. У андижонлик А.Ҳолиқов билан жинойи тил бириктириб, режа тузди. Унга кўра ишчи фуқароларга чет давлатларда ишлаш бўйича консалтинг хизмати кўрсатувчи «Х-гау» МЧЖни ташкил қилиб, Наманган шаҳридан ижарага жой оладилар.

Бу ерда «Телеграм» каналдан фойдаланган ҳолда ишчи ёки хориждагига нисбатан камроқ иш ҳақи олиб ишлайдиган фуқароларни аниқ суммаси белгиланмаган ҳақ эвазига ривожланган давлатларга катта иш ҳақи тўланадиган ишга жўнатишга қизиқтиришади.

Одамларни жалб этиш учун реклама роликлари ҳам тайёрландилар. Табиийки, бунга қизиқувчилар топилади. Уларга 2019 йилнинг апрель-октябрь ойлари давомида БАА, Норвегия, Туркия, Литва, Польша, Япония, Германия, Жанубий Кореяга ҳайдовчилик, қассоблик, юк туширувчи, юк сараловчи, курувчи

вазифасида ишлаш учун одам юборишаётганини, ойлик маоши борадиган мамлакатга қараб ўртача 1200 дан 3600 АҚШ долларигача эканини айтиб, пули тўланса, икки-уч ой ичида ушбу мамлакатларнинг элчихоналари орқали ишга юборишни ваъда қилиб, одамларнинг ишончига қирадилар.

Қарабисизки, пул дегани ўзи оқиб кела бошлади. «МЧЖда рўйхатда туриш учун», «ишчи визаси учун», «сугурта полиси учун» ва «йўл харажати учун» деб 36 кишидан 1 млн. 800 минг сўмдан 18 млн. 640 минг сўмгача пул олишади. Маблағни бирон жой-

га қилиб қилмасдан, уларнинг ишончини қозониш мақсадида резюмелар тўлдириб, кейинчалик мазкур жамият негизда А.Ҳолиқов ташкил қилган «Level up consulting» МЧЖнинг муҳри босилган хужжатларни берадилар ҳам.

«Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳақида»ги шартномалар ҳамда улардан олинган пулларнинг суммалари қамайтириб кўрсатилган тилхатларни, бир неча фуқарога эса гўё Тошкентдан Туркиянинг Истанбул шаҳрига самолётда учин учун оддий қоғозларни билет ўрнида тақдим қилишади.

Аслида бу икки фирибгар фуқароларни хорижий давлатларга ишга жўнатиш борасида ҳеч қандай иш олиб бормас эди. Шундай бўлган, уларга мурожаат этиб, миллионлаб пул тўлаганларнинг биронтаси ҳам ваъда қилинган муддатда хорижга ишга кетмади.

Ўзлари ўйлаб топган сценарий якунида икки фирибгар Жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди, қонун олдида жавоб берди.

Огоҳ бўлинг, сизга жозибадор бўлиб кўринган ҳар қандай таклиф ҳам ҳаққоний бўлмастаси мумкин. Ишончингизни поймол этувчилар ҳам борлигини унутманг!

**Отабек ЖАЛОЛОВ,**  
Учкўрғон тумани ИИБ катта терговчиси



Россия Ўзбекистонга меҳнат муҳожирлари учун 1 миллион доза «Спутник V» вакцинасини етказиб беради.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Alijon ABDULLAYEV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
UtKirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT  
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. [i] – tijorat materiali.

Buyurtma v-4481.

14 635 nusxada bosildi.  
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terldi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nashriyot muharriri: G'ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba  
kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston»  
nashriyot matbaa ijodiy uyida  
chop etildi.  
Korxonada manzil: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshiriq vaqti: 22.00.  
Topshiriq: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9


Gazeta O'zbekiston Respublikasi  
matbuot va axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



# МАЪНАВИЙ ҚИЁФАМИЗ ГЎЗАЛЛАШСА...

Маҳаллада тўй бўлди. Атрофни муסיқачиларнинг шўх хонишлари-ю, маст-аласт одамларнинг бақир-чақири тутди. Кўшни хонадондаги касалманд отахоннинг қулоқни қоматга келтирувчи бу шовқиндан безовта бўлиб инграиши фарзандларини ташвишлантирса-да, тўй эгасига чиқиб бир сўз айтарга кўнгиллари бўлмади.



Тонгда келинсаломдан бошлари кўкка етган тўйбошилар кўшни хонадонда ногоҳ эшитилган йнги товушидан сергак тортидилар. Отахон мангуликдан ҳаловат излаб, тунда жони узилганди...

Хонадон эгалари тундаёқ йнги-сиғи килиб тўйни азага айланттирмади, бировга бир шарпа сездирмади... «Орзу-хаваси ушалаётган» тўй эгаларининг хурсандчилигини бузгани ймондан...

Чортоқлик ҳамкасбимиз Мухторжон Султонқуловнинг бир хотираларини кўп эслаймиз:

«Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг онаси Энахон момо (жойи жаннатда бўлсин) билан суҳбатлашганман. Бамисоли она-боладек шоирни хотирлаб, узоқ турунлашганмиз. Ўшанда берган саволларимдан бири шундай эди:

– Раҳматли шоир неварали бўлибди. Ўғли Бобуржоннинг кизалоғи Тўмарис сизга чевара. Муборак бўлсин! Бобуржоннинг никоҳ тўйида ногора-ю доирани, умуман, муסיқани бирданнига тўй дастуридан чиқариб ташлабсиз. Жумлаи жахон бир томон, сиз бир томон бўлиб, никоҳ, сиз енгисиз. Нега энди бу қадар ўжарлик килдингиз?

– Олтмиш йиллик ён кўшнимиз – уруш ногирони Юсуфбой Зоиров тўй арафасида вафот этиб қолди. Неварамнинг никоҳ тўйини ўтказиб беришга Тошкентдан келган машҳур хофиз ҳам мени «йўлга сололмади». Эҳтимол, мен эски тушунчалар одамидирман?! Лекин ўша кунни бизга карнай-сурнай тўғри келмасди. Аммо-лекин, ўзим ҳам хофиз аразлаб қолган бўлса-я деб қўрқдим. Бироқ умридан барака топсин, юрт кезган инсон-да, Бобуржонимнинг кўнгил

лини Анжандаги ресторанлардан бирида олдилар...

Энг яхши миллий қадриятларимиз деганда онахоннинг юкоридаги тутуми мисол келтирилса, хато бўлмас.

Шундай кезларда беихтиёр ўйга толсан: қадрият нима ўзи? У одамларни қадрлаш, авайлаш, ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиш деганимасми?! Моддий-маънавий манфаатлари, яъни ҳақ-ҳуқуқларини тан олиш, уларга даҳл қилмаслик деганимасми?! Ҳар ҳолда, менинг назаримда шундай. Бунга илмий изоҳлар излаб ҳам юрмаганман.

Раҳматли шоиримизнинг онаси – Энахон момонинг ўша ўжарлигидан кейинги вазиятини, муносабатларни хаёлан тасаввур этар эканман, дилимга равшанлик инади. Чиндан иккала кўшни оила ўртасидаги муносабат яна қай даражада яқинлашганини англаш унчалик қийин эмас. Буни ҳам кўя туринг! Онахоннинг ўша тутуми қанчалик одамларга, хусусан, ёшларга андоза, ибрат бўлди экан, тасаввур қила-ялсизми?!

Тўйхонада овоз кучайтиргич орқали муסיқа таратишдан аввал, агар маҳаллада азалор хонадонлар бўлса, бирров эса-да, соҳибларидан изн сўраб кўйганлар ҳақида ҳам эшитамиз. Бу ҳам ажойиб таомил. Ёши ўтганроқ ёки бироз тоби йўқроқ кўшни ҳаловатини кўзлаб, муסיқа овозини пасайтирган, шовкинли соатларни кимскартирган одамлар ҳам оз эмас. Гарчи бу гаплар майда-чуйдага ўхшаса-да, аслида энг катта маънавий бойлигимиз-ку?!

Сақис-тўққиз яшар пайтим холамнинг турмуш ўртоғи вафот этди. Биттагина кизини бир неча ой аввал унаштириб

кўйишган, ўша кунлари тўй ўтиши лозим эди.

Аза туфайли тўй қолдирилди. Бироқ юртнинг оксоқоллари орага тушишди: «Ўлган қайтиб келмайди энди. Раҳматлининг жойи жаннатда бўлсин! Аммо тўйни ҳам ўтказиб юбраве-ринглар, қўзиб юриш хосияти эмас... Қолаверса, қизи бахт топса, отанинг руҳи ҳам шод бўлади, иншооллох!».

Хуллас, отанинг қирки ўтиши билан тўй бошланди.

Водийнинг ажойиб удумлари бор. Никоҳ кунини келинни олиб кетишдан олдин куёв-навкарлар кўчани тўлдириб, шўх куй-қўшиқ жўрлигида қийкирганча келиннинг ҳовли-сига кириб келишади. Аввал бир-бирларини ўртага тортиб, роса ўйин-қулги қилишади. Буни барча қариндош-уруғлару маҳалланинг киз-жувонлари томоша қилишади. Сўнгра куёв ва унинг ўртоқлари учун аввалдан тайёрлаб қўйилган дастурхонда меҳмондорчилик бошланади.

Ўша кун ҳам шунақа томоша илинжида ўзим тенги уч-тўрт қариндошлар билан куёвнавкарларни кута бошладик. Катталар эса аллақачон улар учун дастурхон тузашга киришиб кетган.

Нихоят, «куёвнавкарлар келаяпти» дея ҳамма таралдудга тушиб қолди. Ҳаял ўтмай 20-25 чоғли йигит куёвни ўртага олганча индамайгина ҳовлига кириб, кўрсатилган хонага сассиз кириб кетишди. Аксариятнинг бошида дўппи. Биз – болалар хайрон бўлиб қолавердик.

Кейинроқ идрок этганим – куёвнавкарлар ҳали аза аримаган хонадонда ўйин-қулги қилиши ўзларига эп кўришмаган экан...

Яқинда мен ҳам киз узатдим. Беш ой олдин падарни бузрукворимни мангу йўлга ку-

затгандик. Бизникига ҳам куёв билан жўралари худди шундай – муסיқа ва ўйин-қулгисиз келиб кетишди. Меҳмондорчиликдан сўнг отам ва кайнотам руҳига Қуръон тиловат қилишганини эшитиб, кўзимдан тиркираб ёш чиқиб кетганини ўзим ҳам сезмай қолибман... Бутун ёшлар орасида ўтганлар руҳига ҳурмат кўрсатадиганлари кўп эмас деб ўйлардим...

Одамлар ўртасида меҳроқибат ўз-ўзидан кўтарилмайди. У ўртада бепасандлик, хурматсизлик пайдо бўлгандагина кўтарилади.

Тўйхона вакили беморроқ қария ёки мусибатхонага кириб «Отахон, агар сизга малол келмаса, бир-икки соат санъаткорларимизга рухсат берсангиз!» дейиши нафақат қария руҳиятига, балки унинг оиласига ҳам қучли таъсир қилиши аниқ. Ўзаро ҳурмат-иззат, меҳроқибат кучайиши турган гап. Бақамти, ҳамжиҳат ва тотув турмушимиз негизда юкоридаги каби бебаҳо миллий удумларимиз ётибди.

Рўй-рост гапириниша не етсин. Баъзи жойларда ана шу одатларимиз унутлиб кетаётгандай. Тўйхона шовқини асабга тегади. Бунинг устига, овоз кучайтиргич шу даражада авжига чиқадики, суҳбатдошинингизнинг лаблари кимирлаётганини кўрасиз, ҳоло. Кафтингизни қулоғингизга супра қилиб олсангиз ҳам фойдасиз, эшитолмайсиз. Ичкари хоналарда ўтирганлар «Эшикни ёпиб қўйинг!» дея жон сақлайди. Аста-секин ёши улгуроклар тўйхонани тарк эта бошлайди. Никоҳ баъзи бошқаруви деярли тўла-тўқис ёшлар, ўсимрлар ихтиёрида қолади.

Ён кўшнлар, маҳалладаги қариялар, беморлар аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг

энди... Азобнинг ўзгинаси! Бошқа нарса эмас. Бунда, албатта, ҳаммани айблаб бўлмайди. Кўпчиликнинг қулоғини қоматга келтириб, тинка-мадорини қуритаётган шовқиннинг сабабчиси бир-иккита сархуш овоз «оператори», шовқинга муккасидан кетган ёш-яланглар, ҳоло. Уларга ҳар жабҳада мейёрни унутмайдиган, инсофди-ёнатли одамларнинг жиндек таркоқлиги, андиша қилиб бир сўз айтолмаслиги ҳам жуда қўл келади. Бўлмаса, баъзи тўйхоналарда «Мана бу тарафдаги маҳаллада бемор одам бор. Колонкани бошқа тарафга қаратиб қўйинглар, овозини ҳам бироз пасайтиринглар», ё бўлмаса, «Хой, ёшлар! Сал ўлкангизни босволинг! Бу ерда ёши улгурлар ҳам бор. Уларга шовқинингиз ёқмайди!» дейилади. Эшитиб қоламиз-да ахён-ахёнда бўлса ҳам...

Мутахассисларнинг айтишларича, 20-30 дб (десибел) шовқин инсон соғлиғи учун зарарсиз экан. 80 дбдан юкориси эса баланд товуш саналаркан. 180 дб.ли шовқин металл буюмларнинг уриниб кетишига сабаб бўлади. Бундай буюмлар вақт ўтиши билан арзимаган таъсир остида синиб кетади. 190 дб товуш металл конструкцияли қопламаларни кўпориб юбориши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, замонавий муסיқа ишқибозлари бўлган ёшларнинг 20 фонзининг эшитиш қобилияти 85 ёшдаги одамнинг эшитиш қобилиятига тенглашиб қоларкан.

Ҳалдан зиёд баланд шовқин кишининг кўриш ва вестибюлар анализаторлари (товуш ажраттиш, таҳлил қилиш қобилияти) га қучли таъсир қилади. Кўз равшанлиги ва рефлектив фаолиятини кескин пасайтиради. Бу эса турли касалликларни келтириб чиқаради, руҳиятини бузади, асаб қувватининг ортиқча сарфланишига сабаб бўлади ва ички толиқиш юзага келади. Қолаверса, бу шовқин деган бало кишини тез қаритади.

Шундай экан, кези келганда, айтиш жоизки, умуммиллий қадриятларимиз бизни жуда кўп балолардан асраб қоладиган ишончли омил. Уларни авлоддан-авлодга эсон-омон, тўқис ҳолда авайлаб олиб келаятган Энахон момо ва бу муътабар онахонга ҳамфиқ ёши улгурларимиз тутумлари барчамизга ўрناق бўлса, маънавий қиёфамиз янада гўзаллашиши шубҳасиз.

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Нилуфар»